Бо вучуди инкишофи жанри лирика Нишотӣ, Андалеб, Ҳозик барин шоирон анъанаҳои дostonсароии гузаштaro бо муваффақият давом дода тавонистанд. Дар адабиёти ин давра қариб аксар жанрҳои адабиёти мумтози ўзбек ва форсу тоҷикро пайдо кардан мумкин аст. Намояндагони зиёде ба майдони адабиёт ворид шуданд, ки ҳам дар наср ва ҳам дар назм ва бо ду забон эҷод мекардагӣ шуданд.

Яке аз хусусияти асоситарини адабиёти ин давра (махусан дар доираҳои адабии Бухоро ва Қўқанд) давом ёфтани анъанаи зуллисонанӣ, яъне ба забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ пайваста эҷод кардан буд. Бисёр широни ин давр ба ҳар ду забон ҳам асарҳои аз ҷиҳати ғоявӣ пурмазмун ва аз лиҳози мавзӯ ва мундариҷа хеле баланд офарида тавонистанд. Аз ҷумла, Турдӣ, Гулханӣ, Махмур, Ҳозик, Маъдан, Нодира,

Увайсӣ, Дилшоди Барно ва як қатор дигарон мебошанд, ки эҷодиёти онҳо бояд ба комилӣ аз ҳар ҷиҳат омӯхта шаванд.

### ҚИСМИ АСОСӢ

Анъанаи зуллисонайнӣ маҳз дар ҳамин давра хеле ривоч ёфта паҳлӯҳои гуногуни он ҳам аз ҷиҳати мавзӯву мундариҷа ва ҳам аз ҷиҳати шаклу жанр тақомул ёфт. Ҳар як адиби зуллисонайн ба майдони адабиёт бо сабку салиқа ва диди хоси хеш ворид гардиданд. Дуруст аст, ки бисёре аз онҳо ин анъанаро, ки ҳанӯз дар адабиёти пешина асос гузошта шуда буд, давом доданд. Ин умумият бештар дар жанру шаклҳои адабӣ зуҳур карда бошад, аммо дар интиҳоби мавзӯ ва мундариҷа фарқиатҳои кулӣ ба назар мерасиданд. Чӣ хеле ки дар боло зикр шуд, тезутундҳои байни хонигариҳову сулолаҳо ба мазмуни ашъори адибони зуллисонайн бетаъсир намонд. Онҳо дар ҳамаи жанрҳои мавҷуда бо санъати баланд аҳволи иҷтимоии мардумро ошкоро ба риштаи назм мекашиданд. Ин фикрҳоро пас аз муоинаи мазмуни ашъори чанде аз намояндагони он давом медиҳем.

**Турдӣ – адиби зуллисонайн.** Яке аз шорони нимаи дууми асри XVII, ки дар давоми салтанати аштархониҳо зиндагӣ ва эҷод кардааст, Турди-Фароғӣ ба шумор меравад, ки вай низ ба ду забон асарҳои лирикӣ ва ҳаҷвӣ офаридааст. Вай адабиёти бадеиро бо образҳои реалӣ-ҳаётӣ бой гардонида тавассути асарҳои ҳаҷвиаш воқеаҳои даврро рӯи рост танқид карда нисбати беадолатӣ, сохтори ҳукмронии феодалӣ баромад мекунад.

Дар эҷодиёти вай мухаммаси «Дар ҳаҷви Субҳонқулиҳон ва амиру амалдорони вай» мавқеи ҷудогонаро ишғол мекунад. Дар ин асар хислатҳои ношоёнӣ амиру амалдорон рӯи рост ва фошофош танқиду масҳара карда шудааст. Чунончи:

Едингиз барчангиз итдек фуқаронинг этини,  
Ғасб ила молни олиб, куймадингиз битини,  
Қамчилар доғ солиб буюнға, тилиб бетини,  
Ёрдингиз захрасини (ичидан) олиб утини,  
Бӯлмади кам бу раият бошидан ҳеч таёк.

Мухтасари мазмуни он чунин аст: шумо гӯшти фақиронро ҳамчу сагон хӯрдед. молу манови онҳоро ба ҳукми зӯрӣ гирифтед ва ҳатто шабушкашро намондед. Аз зарби тозиёнаҳои шумо дар гардан доғу дар рӯй нақшу изҳо мондаанду бас. Талҳаи мардумро кафонда, захри

онро ҳам кашида гирифтаед ва ба туфайли шумоҳо аз сари раият калтак кам нашуд.

Рости гап, шоир Турдӣ дар бисёре аз жанрҳои адабӣ қалам рондааст ва махсусан мавзӯҳои танқидиашро дар мухаммасоташ ҷой додааст. Номи мукаммали мухаммаси болоӣ «Дар асри Субҳонулиҳон ва бидъатҳои хон ва ғуломон ва умарои он ва иноқ будани Бойлоқ кушбегӣ мухаммаси туркӣ дар ҳаҷви онҳо таҳрир намуда шуд» буда, дар он шоир кирдуқори ношоёни ҳукмдорони даврро, беадолативу мансабпарастии онҳоро рӯи рост танқид мекунад.

Турдӣ ба забони форсӣ-тоҷикӣ низ шеърҳо гуфтааст, ки аз мукамал донишманди ӯ ин забонро гувоҳӣ медиҳанд. Мухаммаси бар ғазали Саъдӣ гуфтаи ӯ аз ҷумлаи асарҳои форсӣ-тоҷикии ӯст, ки банди аввалаш ин аст:

Барги ҳар тозагуле шоҳиди мадди назаранд,  
 Ҳар варақ сафҳаи манзур зи аҳли басаранд,  
 Хушклуб, доғ ба дил, ташна ба хуни чигаранд,  
 Нест он лолаки дар бодияҳо чилвагаранд,  
 Куштагонанд, ки аз хок бароварда саранд.

Турдӣ дар шаклҳои гуногуни лирика асарҳо эҷод карда, беҳтарин анъанаҳои Саъдӣ, Навоӣ, Ҷузулӣ барин шоирони пешинаро давом додааст.

**Муҳаммад Шариф Гулханӣ – адиби дузабона.** Яке аз намоёндагони дигари адибони дузабонаи адабиёти охири асри XVIII ва ибтидои асри XIX Муҳаммад Шариф Гулханӣ мебошад, ки вай барои адабиёти ўзбек ва тоҷикии ин давр қариб баробар хизмат кардааст. Аз манбаъҳои илмӣ маълум аст, ки аксари адибони зуллисонайн унвонҳои гуногун, азҷумла Ҳазрат, Шайх, Аллома, Маликушшуаро, Амир, Мирзо, Сайид, Ҳоҷа ва ғайраро соҳиб мебошанд. Муҳаммад Шариф Гулханӣ ба равзаи адибони зуллисонайни беунвон дохил мешавад. Бо вучуди ин аз маълумотҳои то ба мо, омада расида, аз ҷумла ахбори «Маҷмӯаи шоирон» ном тазкираи Фазли Намангонӣ, инчунин асари Қори Раҳматулло Возеҳ «Тӯҳфат-ул-аҳбоб фи тазкират-ул-асҳоб» равшан мегардад, ки Гулханӣ тахминан дар солҳои 70-уми асри XVIII тавлид ёфта, падараш аз тоҷикони кӯҳистон будааст. Вай ҳанӯз дар овони ҷавони ба хидмати дарбор кашида шуда навқарӣ кардааст, ки дар ин хусус Фазлӣ дар тазкирааш чунин меорад:

Бувад Гулханӣ шоири кӯҳсор,  
 Ба даргоҳи шоҳист ўро қарор..  
 Зи мардони корист дар зўру чанг,



## Салоҳаш ба каф теғу тиру тўфанг.

Возех дараҷаи шоирии Гулханиро бо ибораи «бисёр соҳибкамол ва бадеъ-ул-иртиҷол» нишон дода, кайд мекунад, ки «дар шеърӯ қасоид китобе низ муруттаб намудааст». Мутаасифона ин девон то ба мо омада нарасидааст. Аз вай танҳо чанд ашъори парокандаи тоҷикӣ ва ўзбекӣ, инчунин асари тамсилии «Зарбулмасал» дастрас шудаасту халос. Ин асар нуқтаи баланди эҷодиёти вай мебошад, ки ҳам аз ҷиҳати мундариҷаи ғоявӣ ва ҳам аз ҷиҳати маҳорати адабӣ хеле баланд нависта шудааст. Дар ин асар ҳаракатҳои шоирро дар инъикоси пешрафти ҳаёти мардум диданамон мумкин аст.

Лирикаи Гулханӣ асосан ишқу муҳаббат, иҷтимоӣ-гражданӣ буда, дар вай оҳанги шикоят аз зиндагӣ, маҳрумӣ ва беҳосилии умеду орзуҳои мардуми бечора, ки ҳуди шоир низ яке аз онҳо буд, равшантар шунида мешавад. Фазлӣ дар тазкираи худаш “бо алфози худ” шеър гуфтани вайро чандон хуб напазируфтааст ва онро борҳо бо таънаву таҳқир такрор кардааст. Тибқи маълумотҳои вай Гулханӣ дар баробари шеърҳои ҷиддии лирикӣ ва иҷтимоияш шеърҳои ҳаҷвӣ низ мегуфтааст ва дар онҳо мазмуну тарзи ифодаҳои халқиро бештар ҷой меодааст, ки ин аз мартабаи пасти шеърӯфарӣ ҳисобида мешудааст. Ҷиҳати намунаи ашъори вай ду ғазали ўро ба тариқи мисол ба забонҳои тоҷикӣ ва ўзбекӣ меоварем:

**Намунаи тоҷикӣ:**

Саҳар, ки булбули шӯрида нолае сар кард,  
Зи хуни дида гули сурх домане тар кард.  
Кулоҳгӯшаи худро шикаст гул ба чаман,  
Бунафша сачдаи таъзимро муқаррар кард.  
Забони шонаи савсан ба турраи сунбул,  
Сабо чу теғ муҳарраф заду муҳассар кард.  
Чунон ба пойи гул афтод сабза хурраму маст,  
Ки ёди хеш ба ҳангоми субҳи маҳшар кард.  
Сабо бисоти заминро ба сити бўқаламун,  
Бидод зеб, ки натвон ба гуфт бовар кард.

**Намунаи ўзбекӣ:**

Терламиш май тобидин, гулбарги рухсорин кӯрунг,  
Раҳзани дил ўлди тори зулфи зуннорин  
кӯрунг.



Белу оғзидин нишон гар бир сари мӯ десалар,  
Айларам инкору иқроп этмасам ворин кӯрунг.  
Ўз маконини тилар ҳар гаҳ қафасдин қочса куш,  
Эйки истарсиз кўнгулни зулфи ҳар торин кӯрунг.  
Ғамзаси жоним олур, новаклари бағрим тилар,  
Золими бераҳм озор узра озорин кӯрунг.  
Соқиё, ҳажр илгида хуноба ютдим, Гулханий,  
Ғайр ила базм ичра они жоми саршорин кӯрунг.

Худ аз худ маълум аст, ки ҳар ду ғазал бо забонҳои ўзбекӣ ва тоҷикӣ аз ҷониби вай нависта шуда, мавзӯи ишқӣ-ичтимоиро фаро гирифтааст. Боиси қайд аст, ки Гулханӣ дар ҳақиқат аз санъатҳои фаровони бадеӣ хуб огаҳ буда, дар офариниши жанри ғазал сабки хоси худро доштааст. Пуробурангӣ ва таровати гӯйиш бо ифодаҳои мутаносиби шеърӣ, аз қабилӣ булбули шӯрида, хуни дида, сачдаи таъзим, шонаи савсан, турраи сунбул, субҳи маҳшар, бисоти замин, сити бўқаламун ё дар намунаи ўзбекиаш гулбарги руҳсор, зулфи зуннор, узра озор, золими бераҳм, ғайр ила, базм ичра, жоми саршор барои ифода кардани эҳсоси ошиқ, ки бевосита худи ўст, зеби маънӣ бахшидаанд. Агар ба банду басти мисраъу байтҳо жарфтар назар афканем, боз гувоҳ мешавем, ки Гулханӣ аз санъати мавзунияти суҳан ва авзони тоҷикӣ низ ба хубӣ огаҳ будааст...

**Мулло Маъдани дузабона.** Дар ибтидо таҳаллуси эҷодиаши Камина буд, дертар ба худ таҳаллуси Маъданро қабул кардааст. Вай ҳарчанд ҳаёти вазнин дошт, вале марди сӯҳбаторою рӯҳбаланд буд. Дар маҷлису чамъомадҳо бисёр сӯҳбатороёна суҳан мегуфт ва диққати шунавандагонро ба худ ҷалб мекард. Вай бо ҳангомаҳои латифи худ таъби мардуми ҳамсӯҳбаташро хушу болида мегардонд. Бо мақсади намуна аз эҷоди шоир ҳам ба забони тоҷикӣ ва ҳам ба забони ўзбекӣ мисол меоварем

#### **Намунаи ўзбекӣ:**

Бода тут, соқий, раҳи майхона кўргузгил манга,

Барқи истиғнойи ишрат ёна кўргузгил манга.

Чарҳдин ком истамак эрмас бани одамга қурб,

Муттақойи ишқдин афсона кўргузгил манга.

Водийи ҳижрона чекан ранҷдин ўлмама малул,

Суҳбати чуғз истарам, вайрона кўргузгил манга.

То нузул ўлдум, қадаҳдин дайр аро бўлдум хумор,

Соқие, раҳм айлагил, паймона кўргузгил манга.

Қатраи ашқимни тўфони жунунсоз айлагил,

Маърифат дарёсидин дурдона кўргузгил манга.

Шоми хижрон узра кўнглум зоҳири эрмиш хомуш,

Шохсори субҳдин уйғона кўргузгил манга.

Ҳар қачон базм аҳлидин қатъи тааллуқ айларам,

Бори ғамдин соғари риндона кўргузгил манга.

Ишкдур, Маъдан, рафиқим вақти ғам туғёнида,

Пайкарим урёни ғам парвона кўргузгил манга.

#### Намунаи тоҷикӣ:

Омад шабе дар кулбаам, гуфтам ҳазорон марҳабо,

Чидам ғубори мақдамаш, бар дида кардам тўтиё.

Шамъе зи оҳ афрўхтам, парвонаосо сўхтам,

Бар анчуман омўхтам таъдили аркони вафо.

Бунёди ҳастӣ то адам кардам нисори ҳар қадам,

Ин ҳар ду гетиро ба ҳам судам ба санги осиё.

Ҳар чо нишастам, сўхтам, бо дарду ғам пардохтам,

Худро магар нашнохтам, аз шеваи нашъунамо.

Маҳфилфароз аз ҳайратам, восўхт доғи кулфатам,

Базми чароғи зулматам, чун субҳи козиб безиё.

Ҳусне, ки дар Мисри тараб овоза дорад бар лақаб,

Омад ба бозори талаб нақди ду олам дар бақо.

Маъдан, арўси табъи ман дорад паси оина тан,

Вақти тақозои суҳан рӯ баркушояд аз қафо.

Ҳангоми омӯхтани эҷодиёти адибони дузабона, ки дар боло мухтасаран зикрашон намудем, маълум мешавад, ки онҳо дар жанр ва шакл бевосита ба намунаҳои ашъори шоирони пешин тақия карда, эҷодиёти худро давом додаанд. Аз ҷумла аён шуд, ки Турдӣ дар навистани мухаммас бевосита ба Саъдии Шерозӣ пайравӣ кардааст.

Дар мавриди омӯзиши бадеияти ашъори Гулханӣ бевосита гуфтаҳои Қорӣ Раҳматуллоҳи Возеҳ айна муддао ҳастанд, зеро дар шеърро қасоид китоб дорад ва шоири бадеъ -ул- иртиҷоъ аст, гуфтани вай бесабаб нест. Чунки Гулханӣ бо вучуди дар дарбор қор қарданаш бисёр ҳам одами фуртакигӯй, ба таври бадеҳа бидуни фикру андеша суҳан мегуфтааст. Худ аз худ дар ғазалҳои болоӣ низ истифодаи санъатҳои бадеӣ, минҷумла ташбеҳу истиора аз бадеияти баланди ашъори вай гувоҳӣ медиҳанд.

Дар равзаи адибони зуллисонайн унвони Мулло гирифтани Маъдан бесабаб нест. Аз луғатҳо ба мо аён аст, ки мулло ба маъноҳои олими дин ва шарият, домуллои мадраса ё ҳамчун калимаи эҳтиром ба номи шахси босаводу соҳибмаърифат ва баъзе ҳешовандони арҷманд ...илова қарда мешуданд. Инчунин, калимаи мулло аз мавлоно сарчашма мегирад, ки ин унвон то асрҳои XVII – XIX омада, баъд аз он доираи истифодааш хеле маҳдуд шуда буд. Азбаски Маъдан саводи ибтидоиро аз падари босаводаш, ки аз бошандагони деҳаи Ашти ноҳияи Понғоз буд, гирифтааст ва сипас дар Пунук аз Муҳаммадамини Қосонӣ таълим бардоштааст ва ҳамчун донандаи қуръон ном бароварда буд, шояд аз ин рӯ ба он унвони Мулло адиби зуддисонайн дода бошанд...

Аз рӯйи ду ғазале, ки ҷиҳати намуна овардем, маълум мешавад, Мулло Маъдан дар жанри ғазал бештар эҷод намудааст. Бадеият ва оҳанги ғазалҳояш хеле ҷозибанок мебошанд, ки аз ин рӯ баъзе аз онҳо ба оҳанг дароварда шуда аз ҷониби ҳофизон суруда шудаанд.

## ХУЛОСА

Дар ҳаҷми мухтасар овардани маълумот ва намунаҳо аз ашъори онон доир ба намояндагони адибоне, ки бо унвони “Адибони зуллисонайн” дар адабиёти мо мавқеъдоранд, ин буд, ки аз онҳо ба фикри мо бояд ба китобҳои дарсӣ ҳатман дохил қарда шаванд. Чунки дар барномаҳои китобҳои дарсӣ доир ба ҳаёту фаъолияти адибони зуллисонайн ба таври парешон маълумотҳо дода шудаанд.



Хуб мешуд, ки дар мавриди омӯзиши фанни Адабиёт (дар синфи 8) хангоми хондани мавзӯи “ Анъанаҳои адабии давр” ( сах.160-164) бо мақсади омӯзиши эҷоди онҳо ҳам соатҳои дарсӣ чудо карда шаванд ва маълумоти фаровонтар чой дода шаванд. Чунки омӯзиши амиқи эҷодиёти адибони зуллисонайн барои устувор нигоҳ доштани робитаҳои адабӣ ва дар минбаъд давом ёфтани ин анъанаи зуллисонайнӣ заминаҳои мустақкам шуда метавонанд. Азбаски бисёре аз шоирони ин муҳити адабӣ ба ду забон – ўзбекӣ ва тоҷикӣ шеърҳо офаридаанд, омӯхтан ва дониستاني паҳлӯҳои он барои ҳар ду халқ ҳам хеле аҳамиятнок аст.

### REFERENCES

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10 жилдлик. 9 жилд, “Мажолисун-нафоис”. Ташкент, 2011.
2. А.Қамарзода. Адабиёти ўзбек. Чилди якум. Самарқанд 2001.
3. А.Қамарзода ва диг. Адабиёт (синфи 8), Тошканд, ХЭТН “O’ZBEKISTON”, 2019.
4. Ганчи Зарафшон. Душанбе: “Адиб” 1991.
5. Гулханӣ, Зарбулмасал ва ғазаллар. Тошкент, 1958.
6. Энциклопедияи Адабиёт ва санъати тоҷик. 3 томлик. Душанбе: 1988-1990.
7. Иброҳим Ҳаққул. Абодият фарзандлари. Тошкент: “Ёш гвардия”, 1990.
8. Н. Маъсумӣ. Адабиёти тоҷик дар асрҳои XVIII-XIX. Душанбе, 1962.
9. Н. Маъсумӣ. Асарҳои мунтахаб дар ду жилд (жилди 1), Нашриёти “Ирфон”, Душанбе, 1977, сах. 59.
10. С. Айнӣ. “Намунаи адабиёти тоҷик”, -Душанбе, “Адиб”, 2010.
11. Турдӣ, Танланган асарлар, Тошкент 1958, сах. 7
12. Ўзбек адабиёти. 4 томлик. Тошкент: “Фан”, 1978.
13. Ф.Исомиддинов, Жонмирзо Мирзоев, “Зуллисонайн адиблар” ( Адибони зуллисонайн), Тошкент, “Истиқлол нури”, 2013.
14. Ҳикматов Ҳикмат. “Баъзе масоили зуллисонайнӣ дар осори илмии Садриддин Айнӣ”, Май 2023, Academic Research in Educational Sciences.





## ФУЗАРИУМ ЗАМБУРУҒИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН НЎХАТ ЎСИМЛИГИ НАМУНАЛАРИДА SPAD 502 КЎРСАТКИЧИНING ЎЗГАРИШИ

**Дилафруз Эркиновна Кулмаматова**

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
катта илмий ходими, биология фанлари фалсафа доктори

**Фаррух Илхомович Маткаримов**

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
таянч докторанти

**Моҳира Ўктамовна Бобомуродова**

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
ходими

**Умида Ҳамроқуловна Икромовна**

Навоий вилояти Навбаҳор тумани халқ таълими бўлими методисти

**Анвар Гулмирзаевич Шеримбетов**

ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
катта илмий ходими, биология фанлари доктори

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дала шароитида экилган кузги нўхатнинг CIENW-Chickrea International Elite Nursery for Winter Халқаро элита кўчатзори намуналарида барг ранги, фузариум билан зарарланиш даражаси, соғлом ва касалланган намуналардаги SPAD 502 кўрсаткичининг ўзгариши ўрганилди. Натижада касалланиш даражаси паст, SPAD 502 кўрсаткичи барқарор бўлган намуналар танлаб олинди.

**Калит сўзлар:** фузариум, нўхат, биотик стресс, чидамлилиқ, фотосинтетик пигментлар

### ABSTRACT



In this article, changes in leaf color, level of *Fusarium* infection, SPAD 502 index in healthy and diseased samples of CIENW - Chickpea International Elite Nursery for Winter International elite nursery samples of winter Chickpea planted in field conditions were studied. As a result, samples with a low morbidity rate and a stable SPAD 502 index were selected.

**Keywords:** fusarium, chickpea, biotic stress, tolerance, photosynthetic pigments

## КИРИШ

Нўхат оқсилга бой қимматли озиқ-овқат экинларидан бири ҳисобланади. Унинг дони таркибида ўртача 25% оқсил, 4,5% мой, 46% гача крахмал, В<sub>1</sub> витамин, турли минерал тузлар ва овқат ҳазм қилишга ёрдам берадиган энг муҳим аминокислоталар мавжуд [10]. Бу ўсимликка турли замбруғлар ва зараркунанда ҳашаротлар катта зарар етказади. Булардан бири *Fusarium* туркумига мансуб замбруғлардир. *Fusarium* туркумига мансуб замбруғларнинг вакиллари 400 дан ортиқ турдаги ўсимликларни, республикамизда эса 100 га яқин қишлоқ хўжалик экинлари ва бегона ўтларни касаллантиради. Бу замбруғлар фузариоз касалигини келтириб чиқаради. Нўхат экилган деярли ҳамма майдонларда бу касаллик учрайди. Замбруғ асосан тупроқ ва уруғ орқали ўсимликка ўтади. Бу касаллик, ёғингарчилик кўп бўлган йиллари яққол намоён бўлади. Касаллик экинни ёшлигидан бошлаб зарарлаши мумкин. Замбруғ экинни ўтказувчи тўқималари бўйлаб пастдан юқорига қараб ҳаракатланади ва ҳамма органларини касаллантиради. Натижада ўсимлик сўлийди, барги сарғаяди ва тўкилади. Ёш майсалар фузариоз билан касалланса ўсимлик қурийди. Кейинги фазаларда касалланса уруғи пуч ёки ҳосили жуда кам бўлади. [8]. Шунинг учун нўхат ўсимлигида ушбу замбруғга чидамли нав ва тизмаларни ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

SPAD 502 ўсимликларнинг турли вегетация даврларидаги азот ҳолатини баҳолашда ўсимликни зарарламасдан диагностика қилиш имкониятини берадиган қурилма ҳисобланади [1]. SPAD 502 кўрсаткичи ва баргларидаги



фотосинтетик пигментлар миқдори ўртасида кучли ижобий корреляция мавжудлиги тадқиқотларда аниқланган [5]. Нўхат ўсимлигининг унувчанлиги, ўсиши ва ривожланиши ҳамда баргларидаги пигментлар миқдорига микробиологик ўғитларнинг ижобий таъсири ўрганилган [6,7,9]. Ярим қурғоқчил муҳитда ўсадиган нўхат ўсимлиги гермоплазмасидаги SPAD кўрсаткичи барқарор намуналарда қурғоқчиликка чидамлилиқ кузатирилган [4].

Ўсимликлар баргларидаги пигментлар миқдорининг ўзгаришига турли биотик ва абиотик омиллар салбий таъсир қилади. Булардан бири фузариум авлодига мансуб замбруғлардир. Фузариум замбруғи нўхат ҳосилдорлига катта зарар етказувчи асосий биотик стресслардан бири ҳисобланади. Фузариум билан касалланган нўхат ўсимликларида минераллар яъни азот, фосфор, калий, калций, магний, натрий, рух, темир ва мис миқдори камайиши аниқланган [3]. *Fusarium verticillioides* билан зарарланган ўсимлик баргларида хлорофилл а ва хлорофилл б миқдорининг кескин пасайиши, каротиноидлар миқдорининг сезиларли даражада ўзгармаслиги ўрганилган [2].

## ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБЛАРИ

Тадқиқотлар ЎзРФА Генетика ва ЎЭБ институтининг Дўрмон дала тажриба участкасида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида кузги нўхатнинг CIENW- Chickpea International Elite Nursery for Winter Халқаро элита кўчатзоридидаги 36 та намунада фойдаланилди. Фенологик кузатувлар давомида баргларининг ранги, *Fusarium* туркумга мансуб микромицет *Fusarium oxysporum* ва *Fusarium solani* билан касалланиш даражаси ўрганилди. Баргларидаги пигментлар ҳолати SPAD 502 қурилмаси кўрсаткичига қараб баҳоланди. Тажриба асосида олинган маълумотларнинг статистик таҳлили EXCEL 2016 да, ANOVA бўйича Stat View дастурида амалга оширилди.

## НАТИЖАЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМАСИ

Хорижий кузги нўхат кўчатзорининг 36 та намунаси рендомизация усулида, икки қайтариқда 3 м<sup>2</sup> ли майдонларда экилди ва фенологик кузатувлар олиб борилиб, SPAD 502 қурилмаси орқали соғлом ва касал ўсимликлар



барглардаги пигментлар ҳолатини баҳолаш мақсадида SPAD кўрсаткичи аниқланди (1-жадвал). Кўчатзор намуналаридан 13 тасида барги оч яшил, 23 тасида тўқ яшил эканлиги аниқланди. Ўсимликларнинг фузариум билан касалланиш даражаси 2,15 – 14,09 % ни ташкил қилди (1-расм). Бунда К-133 намунасида касалланиш даражаси энг паст кўрсаткич, К-105 намунасида эса энг юқори кўрсаткич қайт этди.

1-жадвал


CIENW- Халқаро элита кўчатзори намуналарининг барг ранги, фузариум билан касалланиш даражаси ва SPAD кўрсаткичи

CIEN-W-22	Барг ранги	Фузариум билан касалланиш даражаси (%)	SPAD кўрсаткичи (соғлом ўсимликларда)	SPAD кўрсаткичи (касал ўсимликларда)
101	тўқ яшил	8,36	62,44	24,39
102	тўқ яшил	3,81	55,78	23,75
103	оч яшил	6,33	56,67	24,55
104	оч яшил	6,19	60,35	27,71
105	тўқ яшил	14,09	63,13	18,37
106	тўқ яшил	4,17	59,27	22,42
107	тўқ яшил	8,39	55,01	13,91
108	тўқ яшил	12,25	56,52	14,20
109	оч яшил	8,33	60,58	17,27
110	тўқ яшил	10,92	64,79	22,82
111	тўқ яшил	5,17	59,67	25,54
112	тўқ яшил	9,25	56,19	24
113	тўқ яшил	13,04	61,14	29,9
114	тўқ яшил	13,11	61,68	19,58
115	оч яшил	10	61,87	21,47
116	тўқ яшил	6,44	55,92	22,34
117	тўқ яшил	10,33	58,77	30,33
118	оч яшил	3,42	58,94	26
119	тўқ яшил	7,76	64,18	23,87
120	тўқ яшил	6,58	58,21	27,33
121	оч яшил	2,5	61,53	22,6
122	оч яшил	7,61	54,08	21,51


123	тўқ яшил	6,92	56,53	25,52
124	оч яшил	13,14	56,97	19,5
125	оч яшил	8,18	53,09	27,50
126	оч яшил	5,38	59,18	11,8
127	тўқ яшил	8,31	54,86	15,25
128	тўқ яшил	11,69	58,23	13,9
129	тўқ яшил	11,05	63,27	14,85
130	тўқ яшил	11,01	61,17	17,7
131	оч яшил	5,14	62,46	12,63
132	тўқ яшил	5,30	60,88	23,89
133	оч яшил	2,15	63,20	25,65
134	тўқ яшил	3,46	66,16	27,48
135	оч яшил	2,88	54,72	30,16
136	тўқ яшил	4,89	63,41	30

Кўчатзорнинг фузариум билан касалланиш даражаси К-102, К-118, К-133, К-134, К-135, К-136 намуналарида 5 % дан кам, К-105, К-108, К-110, К-113, К-114, К-117, К-124, К-128, К-129, К-130 намуналарида 10 % дан юқори, қолган намуналарда эса 5-10 % бўлиши аниқланди. Кўчатзор намуналарининг аксарият қисмида 10% гача зарарланиш зарарланиш кузатилди.

Кўчатзор намуналаридаги соғлом ва касал ўсимликларда SPAD кўрсаткичи таҳлил қилинди (2-расм). Таҳлил натижаларига кўра кўчатзор намуналаридаги соғлом ўсимликларда ўсимликларда SPAD кўрсаткичи 53,09 – 66,16 ни ташкил қилди. Бунда энг паст кўрсаткич (53,09) К-125 намунасида, энг юқори кўрсаткич (66,16) К-134 намунасида кузатилди. SPAD кўрсаткичи кўчатзор намуналарининг 19 тасида ўсимликларда 60 дан паст, 17 тасида эса 60 дан юқори бўлди. Соғлом ўсимликлардаги SPAD кўрсаткичи тўқ яшил баргли намуналарда ўртача 59,88 ни, оч яшил намуналарда ўртача 58,74 ни ташкил қилди. Касалланган намуналардаги SPAD кўрсаткичи 11,8 – 30,33 ни ташкил қилди. Бунда энг юқори кўрсаткич К-117 намунасида, энг паст кўрсаткич К-126 намунасида кузатилди. Соғлом ва касалланган ўсимликлардаги SPAD кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ таҳлил қилинди (3-расм).




1-расм. CIENW- Халқаро элита кўчатзори намуналарининг фузариоз касаллиги билан зарарланиш даражаси



2-расм. CIENW- Халқаро элита кўчатзори намуналаридаги SPAD 502 кўрсаткичлари



Таҳлил натижаларига кўра касалланган ўсимликларда соғлом ўсимликларга қараганда SPAD кўрсаткичи 44,88 – 80,06 % гача камайганлиги кузатилди. Бунда энг кам даражадаги (44,88 % га камайган) ўзгариш К-135 намунасида кузатилди. Шу билан биргаликда ушбу намунада касалланган ўсимликлар сони ҳам кам яъни 2,88 % ни ташкил қилди. Энг юқори даражада камайиш эса (80,06 % га камайган) К-126 намунасида кузатилди. К-126 намунасида зарарланган ўсимликликлар сони кам (5,38 %) бўлишига қарамасдан, SPAD кўрсаткичи кескин ўзгарган. К-105, К-114, К-124 намуналарида касалланган ўсимликлар сони (13,1 -14,1 %) нисбатан кўп бўлиши билан биргаликда SPAD кўрсаткичининг ҳам кескин пасайиши (65,77 – 70,90 %) кузатилди.



3-расм. CIENW- Халқаро элита кўчатзори намуналарида SPAD 502 кўрсаткичининг соғлом ва касал ўсимликлар ўртасидаги фарқи (%)

## ХУЛОСА

Олинган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, дала шароитида ўстирилган CIENW- Халқаро элита кўчатзори намуналарининг соғлом ва касалланган ўсимликларида SPAD 502 кўрсаткичи қиёсий таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, К-135 намунасида касалланиш даражаси паст, SPAD 502 кўрсаткичи ўзгариши бошқа намуналарга нисбатан барқарор эканлиги аниқланди.

## REFERENCES

1. Fabio Castelli, Renato Contillo. Using a Chlorophyll Meter to Evaluate the Nitrogen Leaf Content in Flue-Cured Tobacco (*Nicotiana tabacum* L.) // Article in Italian Journal of Agronomy 2009, 2:3-11, P. 3 – 11
2. Farhad Baghbani, Ramin Lotfi, Sajjad Moharramnejad, Ali Bandehagh, Mozaffar Roostaei, Anshu Rastogi, Hazem M. Kalaj. Impact of *Fusarium verticillioides* on chlorophyll fluorescence parameters of two maize lines // Eur J Plant Pathol (2019) P. 337–346 <https://doi.org/10.1007/s10658-018-01659-x>
3. Hafiz Tassarwar Abbas, Tamoor Khan, Ghulam Khaliq, Muhammad Aqee Sarwar, Muhammad Rashid, Intazar Ali, Muhammad Abuzar Jaffar, Ghulam Ali Bugti and Muhammad Waseem. Mineral Profiling of Chickpea Wilt against *Fusarium oxysporum* f.sp. *ciceri* // Pakistan Journal of Agricultural Research (2021) P. 393 – 399,
4. Junichi Kashiwagi, Hari D. Upadhyaya, L. Krishnamurthy. Significance and genetic diversity of SPAD chlorophyll meter reading in chickpea germplasm in the semi-arid environments // Journal of Food Legumes (2010), 23(2), P. 99-105
5. Syed Haleem Shah, Rasmus Houborg and Matthew F. McCabe. Response of Chlorophyll, Carotenoid and SPAD-502 Measurement to Salinity and Nutrient Stress in Wheat (*Triticum aestivum* L.) // Agronomy (2017), P. 1 – 22
6. Маткаримов Ф.И., Бабаев С.К., Кулмаматова Д.Э., Тохирбоева Д.У. Влияние (действие) микробиологических препаратов на количество хлорофилла и каротиноидов у растений нута (*Cicer areitinum* L.) // Молодежная наука как фактор и ресурс инновационного развития, Сборник статей III международной научно-практической конференции, состоявшейся 15 апреля 2021 г. в г. Петрозаводске, Российская Федерация МЦНП“Новая наука” 2021, ст. 56-60
7. Маткаримов Ф.И., Бабаев С.К., Тохирбоева Д.У., Холлиев О.Э. Влияние биопрепаратов на урожайность бобовых культур. Academic Research in Educational Sciences. Vol. 1 No. 1, 2020 ISSN 2181-1385. Тошкент. 2020. – С. 314-323.
8. Маткаримов Ф.И., Бабоев С.К., Давронов Қ.Д., Кулмаматова Д.Э., Тохирбоева Д.У. Нўхат етиштириш технологияси. Тавсиянома.- «Наврўз» нашриёти, Тошкент, Ўзбекистон, 2020.-12 б.





9. Фаррух Илхомович Маткаримов, Саидмурод Кимсанбоевич Бабоев. Нўхат ўсимлигининг уруғ унувчанлигига ва ўсиш динамикасига микробиологик ўғитларнинг таъсири. Academic Research in Educational Sciences. Vol. 3 No. 11, 2022 ISSN 2181-1385 Тошкент. 2020. – С. 237-241.
10. Чирков В.Н. Донли экинлар.// “Ўқитувчи” Тошкент -1975. 211 б.



## O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOG‘-KON SANOATIDA FOYDALANILAYOTGAN TORTISH AGREGATLARI PARKINING TAHLILI

**Sherzamin Xayitbayevich Abdurasulov**

Toshkent Davlat Transport Universiteti, assistent

[sherzamin.tstu@gmail.com](mailto:sherzamin.tstu@gmail.com)

ORCID: [0000-0001-5581-507X](https://orcid.org/0000-0001-5581-507X)

**Nuriddin Savranbekovich Zayniddinov**

Toshkent Davlat Transport Universiteti, dotsent, t.f.n

[nuriddin24@mail.ru](mailto:nuriddin24@mail.ru)

ORCID: [0000-0002-4700-3175](https://orcid.org/0000-0002-4700-3175)

**Abdulaziz Maxamadali o‘g‘li Yusufov**

Toshkent Davlat Transport Universiteti, tayanch doktorant

[abdulazizyusufovv@bk.ru](mailto:abdulazizyusufovv@bk.ru)

ORCID: [0000-0001-8310-8225](https://orcid.org/0000-0001-8310-8225)

**Shuhrat Farmon o‘g‘li Jamilov**

Toshkent Davlat Transport Universiteti, assistent

[shuxratjamilov@mail.ru](mailto:shuxratjamilov@mail.ru)

ORCID: [0000-0001-8521-0370](https://orcid.org/0000-0001-8521-0370)

**Zokirbek Olloberdiyevich Keldibekov**

Toshkent Davlat Transport Universiteti, assistent

[zokirbekkeldibekov@mail.ru](mailto:zokirbekkeldibekov@mail.ru)

ORCID: [0009-0000-8135-377X](https://orcid.org/0009-0000-8135-377X)

### ANNOTATSIYA

Ushbu tadqiqot ishida sanoat sohasidagi tortish agregatlari parkining bugungi kundagi holati o‘rganilgan. Tadqiqot ishidan maqsad O‘zbekiston Respublikasi sanoat korxonalarida foydalanilayotgan sanoat tortish agregatlari parkining holati, ularning xizmat muddatlari haqida ma’lumotlarga ega bo‘lish. Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi sanoat korxonalarida 70 dan ortiq PE2M, PE2U, MPE2U turidagi tortish agregatlaridan foydalanilmoqda va ularning 50% dan ortiq qismi o‘z xizmat



muddatini o‘tab bo‘lgan. Ushbu turdagi tortish agregatlaridan “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ, “O‘zbekko‘mir” AJ korxonalarida foydalaniladi. Ushbu korxonalar yaqin kelajakda o‘zlarining sanoat tortish agregatlari parkini yangilash yoki xizmat muddatini uzaytirish yo‘li orqali mavjud parkdan foydalanishlari mumkin bo‘ladi.

**Kalit so‘zlar:** sanoat tortish agregati, PE2M, PE2U, MPE2U, sanoat tortish agregatlari parki.

### ABSTRACT

In this research paper, the current state of the fleet of traction units in the industrial sector is studied. The purpose of the research work is to obtain information about the state of the fleet of industrial traction units used at industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan, their service life. To date, more than 70 traction units of types PE2M, PE2U, MPE2U are used at industrial enterprises of the Republic of Uzbekistan, and more than 50% of them have already fulfilled their service life. Traction units of this type are used at the enterprises of “Almalyk Mining and Metallurgical Complex” JSC, “Uzbekcoal” JSC. These enterprises will be able to use the existing fleet in the near future either by updating their fleet of industrial traction units, or by extending the service life.

**Keywords:** industrial traction unit, PE2M, PE2U, MPE2U, fleet of industrial traction units.

### KIRISH

Dunyodagi qirqdan ortiq davlat dengiz transportiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri chiqish imkoniga ega emas. O‘zbekiston Markaziy Osiyo mintaqasidagi dengiz transportiga to‘g‘ridan-to‘g‘ri chiqish imkoniga ega bo‘lmagan davlatlar bilan chegaradoshdir. Bundan tashqari mintaqada nafaqat dengizga chiqish imkoniyatiga ega bo‘lmagan, balki dengiz yo‘llariga chiqish imkoniyatiga ega bo‘lmagan davlatlar bilan chegaradosh ikki davlatning biri O‘zbekistondir. Shu sababdan respublikamizda yuk va yo‘lovchi tashish hajmining katta ulushi temir yo‘llarning hissasiga to‘g‘ri keladi. O‘zbekiston Respublikada yildan-yilga iqtisodiy o‘shish bilan birga yuk va yo‘lovchi tashish hajmi ham ortib bormoqda, bu esa o‘z navbatida tortuv harakat tarkibini har doim soz holatda ushlab turish dolzabligini yana ham oshiradi. [6].

### ADABIYOTLAR TAHLILI VA METODOLOGIYA

O‘zbekiston Respublikasi temir yo‘llarida “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ dan tashqari mamlakatimiz iqtisodiyotida ishlab



chiqarish, qayta ishlash, tayyor mahsulot shakliga keltirish va transport xarajatlarini kamaytirish uchun boshqa sanoat korxonalarida ham temir yo‘l transportidan foydalanish juda muhim ahamiyat kasb etadi. “Navoiy kon-metallurgiya kombinati” AJ, “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ, “O‘zbekko‘mir” AJ va shu kabi boshqa sanoat korxonalarida ham muntazam ravishda temir yo‘l transportidan tog‘- kon sanoatida rudalarni tashishda foydalaniladi. Sanoat korxonalarida temir yo‘l transportidan uzluksiz va xavfsiz foydalanish orqali, mahsulotlarni ishlab chiqarish ko‘rsatgichlari yildan-yilga ortib bormoqda [7, 8, 27, 25, 26].

Respublikamiz va boshqa sobiq ittifoq davlatlari temir yo‘llari tortuv harakat tarkibi parki holati bir biriga juda o‘xshashdir. Tog‘- kon sanoati rivojlangan qo‘shni Qozog‘iston, Rossiya va boshqa davlatlarda ham sanoat lokomotivlari parki eskirgan va xizmat muddatini deyarli o‘tab bo‘lmoqda [2, 3]. Bugungi kunda foydalanilayotgan texnikalarning deyarli 95 % qismi ittifoq davrida ishlab chiqarilgan [3].

Tortuv harakat tarkibi parkini yangilash sanoat temir yo‘l transportining muvaffaqiyatli ishlashining muhim shartlaridan biridir [1]. Mamlakatimizdagi tog‘- kon sanoati korxonalarini ehtiyojlari uchun so‘ngi yillarda yetarli darajada tortuv harakat tarkibi parki yangilanmadi [5, 9]. Bugungi kunga kelib o‘z temir yo‘llariga ega tog‘- kon sanoati korxonalarining tortish agregatlari parki o‘z xizmat muddatini o‘tab bo‘lmoqda. Bu esa yaqin yillarda katta investitsiyaviy harajatlarga olib keladi [4].

Ko‘pgina sanoat korxonalarini o‘zlarining lokomotiv parklarini xizmat muddatini uzaytirgan holda ta‘mirlash ishlarini olib boradilar, bu amaliyot xususiy korxonalar tomonidan tobora ko‘proq amalga oshirilmoqda [3].

Tortuv harakat tarkibining haqiqiy texnik holatini baholash va xizmat muddatini uzaytirish, uning yuk ko‘taruvchi konstruksiyalari bilan bog‘liq va ushbu muammoning texnik yechimi texnikaning yangi tayinlangan foydalanish muddati davomida xavfsiz ishlashini asoslashdan iboratdir [7, 13, 15].

Belgilangan xizmat muddatidan ortiq davrda xavfsiz foydalanish imkonini asoslash uchun me‘yoriy xujjatlarga asosan bir qator ilmiy-tadqiqotlar o‘tkazish talab etiladi [8, 12, 24, 25, 26].

Qoldiq resursini baholash vositalari sifatida zamonaviy avtomatlashtirilgan loyihalash tizimlari (CAD), kompyuterda muhandislik hisoblarini bajarish tizimlari (CAE) va texnik diagnostika qurilmalaridan foydalaniladi va natijalarga ko‘ra yakuniy xulosaga ko‘ra qabul qilinadi [8, 9, 10, 11, 14].

Qoldiq xizmat muddati tortuv harakat tarkibi strukturasi ajralmas qismi bo‘lgan, uning ishlash muddatini

belgilaydigan tayanch (yuk ko'taruvchi, asos, rama) qismlari bilan belgilanadi. Tortuv harakat tarkibining eng kichik resursga ega asosiy tayanch qismlari ularning ramasi va aravacha ramasi hisoblanadi [11, 24, 25].

### O'zbekiston respublikasi tog'-kon sanoati korxonalarida foydalaniladigan tortish agregatlari:

Bugungi kunda O'zbekiston Respublikasidagi "Olmaliq kon-metallurgiya kombinati" AJ va "O'zbekko'mir" AJ kabi korxonalarda yuklarni tashish uchun sanoat tortish agregatlaridan keng foydalanilmoqda. Ushbu korxonalarda PE2M, PE2U va MPE2U turidagi tortish agregatlaridan keng foydalaniladi [16, 24].

Ma'lumki, har bir ishlab chiqarilgan texnika vositalariga ishlab chiqaruvchi tomonidan xizmat muddati belgilanadi va shu muddat ichida ushbu texnika vositalari xavfsizlik talablari, ishonchlik va sifat ko'rsatkichlari kabi barcha parametrlarga javob berishi kerak [16].

PE2M, PE2U va MPE2U turidagi tortish agregatlarining kafolatli xizmat muddati normativ xujjatlarga ko'ra 24 yil deb belgilangan. Ushbu turdagi tortish agregatlari PE2 turidagi tortish agregati asosida ishlab chiqilgan [17, 18, 19, 20, 23].

Ushbu tortish agregatlari karyerlarda joylashgan va 1500 yoki 3000 V kuchlanishli doimiy tok bilan elektrlashtirilgan temir yo'l liniyalari uchun mo'ljallangan [17, 18, 19, 20, 23].

PE2 (*ПЭ2 — Промышленный Электровоз с 2-мя моторными думпкарами*) turidagi tortish agregati 2 ta motor dumpkar va elektrovozdan tashkil topgan bo'lib 1967-yildan 1970-yilgacha "Dnepropetrovsk elektrovozsozlik zavodi" (DEVZ) da 20 ta tortish agregati ishlab chiqarilgan [17, 18, 19, 20, 23].

1 – jadval. Tortish agregatlarining qiyosiy xarakteristikallari [18, 19, 23].

Ko'rsatkichlar	Agregat turi		
	PE2	PE2M	PE2U
Ishlab chiqarish boshlangan yil	1967 - 1970	1970 - 1985	1985 - h.v.
O'q formulasi	$3(2_0+2_0)$	$3(2_0+2_0)$	$3(2_0+2_0)$
Nominal quvvati, kVt	6120	5460	5520
Nominal rejimda tortish kuchi, kN	672	694	739
Nominal rejimda tezlik	33,4	28,9	29

### PE2M sanoat tortish agregati

PE2M turidagi tortish agregati 1970-yildan 1985-yilgacha 705 dona ishlab chiqarilgan. DT-9N turidagi dvigatel qo'llangan holda quvvati oshirilishi hisobiga modernizatsiya qilingan [17, 18, 19, 23]. *M* indeksi modernizatsiyalangan degan ma'noni anglatadi.

Ikkala turdagi agregatlarda elektrovozlarning kuzovlari bir-biridan biroz farq qiladi; farqlar elektr apparatlarining joylashuvi va o'rnatilishidagi ba'zi o'zgarishlar bilan bog'liq. Boshqaruv elektrovozi va dumpkarlarning ikki o'qli aravalarini bir-biri bilan almashtirish mumkin [18, 19, 20, 23].


2 – jadval. PE2M tortish agregatining nominal rejimidagi parametrlari [18, 19, 23].

Kontakt tarmog'idagi kuchlanish, V	Quvvati, kVt	Tortish kuchi, kN (kgk)	Tezligi, km/s
3000	5460	680 (69 420)	28,9
1500	2570	680 (69 420)	13,6



1 – rasm. “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ ga qarashli PE2M-328 tortish agregati.


Tortish agregatining konstruksion tezligi 65 km/soat, 10 km/soat tezlikda kirishi mumkin bo'lgan egri yo'lining minimal radiusi — 80 m. Tortish agregatining boshqarish elektrovozidagi 2/3 qism qum zaxirasi bilan birgalikdagi og'irligi  $368 \pm 11$  tonnani tashkil etadi, shundan  $120 \pm 3,6$  tonna elektrovozga va  $2(124 \pm 3,7)$  tonna yuklangan ikkita motor dumpkarga to'g'ri keladi, motor dumpkarining yuk ko'taruvchanligi 45 tonna [18, 19, 23].



2 – rasm. PE2M tortish agregati boshqarish elektrovozining umumiy tuzilishi:

1 – motor-kompressor; 2 – elektr jihozlari; 3, 7 – ishga tushirish va tormoz rezistorlari;

4 – yon pantograf; 5 – mashinachi kontrolleri; 6 – markaziy pantograf



3 – rasm. PE2M tortish agregati motor dumkarining umumiy tuzilishi

### PE2U sanoat tortish agregati

“Dnepropetrovsk elektrovozsozlik zavodi” 1985-yilda PE2U deb nomlangan tajriba tortish agregatini ishlab chiqardi, *U* (*У* – усовершенствованный) indeksi takomillashtirilgan degan ma’noni anglatadi. 1985-yildan beri 174 dona ishlab chiqarilgan.

Uning PE2M agregatidan asosiy farqi 15 daqiqali va soat rejimlaridagi quvvati va tortish kuchi biroz oshirilgan (3000 V — 5520 kVt, 1500 V — 2640 kVt). Tortish agregatida NB-511 tortish elektr motorlari oʻrnatilgan.



4 – rasm. “O‘zbekko‘mir” AJ ga qarashli PE2U-034 tortish agregati.

### **MPE2U sanoat tortish agregati**

MPE2U tortish agregati yangi Yoshlik-1 konini qazib olish boshlanishi munosabati bilan “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ buyurtmasi bo‘yicha “Tbilisi elektrovozsozlik zavodi” da (TEVZ) ishlab chiqarilgan. Ushbu agregat avvalgi PE2U agregatlaridan zamonaviyroq elektr jihozlari, bort kompyuteri, videokuzatuv kameralari, shuningdek, konditsioner o‘rnatilgan qulaylashtirilgan mashinachi xonasi bilan ajralib turadi, bu bizning mintaqamiz uchun juda muhim qo‘shimcha hisoblanadi. Konstruksion tezligi 65 km / soat ni tashkil etadi [27].



5 – rasm. “Olmaliq kon-metallurgiya kombinati” AJ ga qarashli MPE2U-001 tortish agregati.

### **Foydalanilayotgan tortish agregatlari parkining holati**

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi tog‘-kon sanoati korxonalarida jami 70 dan ortiq tortish agregatlaridan foydalanilmoqda. Quyida 3 – jadvalda O‘zbekiston Respublikasi tog‘-kon sanoati korxonalarida



tomonidan foydalanilayotgan sanoat tortish agregatlarining umumiy miqdori keltirilgan.

3 – jadval. Korxonalarda foydalanilayotgan tortish agregatlaring umumiy miqdori.

Tortish agregati turi	Miqdori
PE2M	32
PE2U	40
MPE2U	2


Quyida 4 – jadvalda korxonalar kesimida foydalanilayotgan tortish agregatlarining miqdori keltirilgan.

4 – jadval. Korxonalarda foydalanilayotgan tortish agregatlarining miqdori.

Korxonalar	PE2M	PE2U	MPE2U
“Olmaliq KMK” AJ	26	25	-
“O‘zbekko‘mir” AJ	6	15	2

### PE2M tortish agregatlari parkining holati

Quyida 1 – diagrammada PE2M turidagi tortish agregatlari parkining holati yoshlar kesimida keltirilgan.




1 – diagramma. PE2M tortish agregatlari parki yoshlar kesimida.

### PE2U tortish agregatlari parkining holati

Tahlildan ko‘rinadiki PE2U turidagi tortish agregatlarining (50%)dan ortiq qismi o‘z xizmat muddatini o‘tab bo‘lgan.

Quyida 2 – diagrammada PE2U turidagi tortish agregatlari parkining holati yoshlar kesimida keltirilgan.



2 – diagramma. PE2U tortish agregatlari parki yoshlar kesimida.

## XULOSA

Bugungi kunda O‘zbekiston Respublikasi tog‘- kon sanoati korxonalarida parkida 70 dan ortiq tortish agregatidan foydalanilmoqda. Ularning 50%dan ortiq qismi o‘z kafolatli xizmat muddatini o‘tab bo‘lgan. Bu esa yaqin yillarda tegishli korxonalar tomonidan tortish agregatlari xaridi uchun katta miqdorda investitsiyalar kiritishni talab etadi.

Tajribadan ma‘lumki temir yo‘l tortish harakatlanuvchi tarkibining xizmat muddati ishlab chiqaruvchi tomonidan belgilangan xizmat muddatidan ko‘proq bo‘lishi mumkin. Bu esa yangi tortish agregatlarini xarid qilishgacha bo‘lgan vaqt davomida xizmat muddati tugagan agregatlarning xizmat muddatini uzaytirish yo‘li bilan ulardan yana foydalanish imkonini beradi. O‘z o‘rnida bu ishlar normativ hujjatlarga ko‘ra ilmiy tadqiqot ishlarini olib borishni talab qiladi va ma‘lum muddat harajatlarni tejash imkonini beradi.

## REFERENCES

1. Маняхин, А. Ю. (2019). Обновление парка промышленных локомотивов. *Бюллетень транспортной информации*, (6), 33-34. [[elibrary](#)].
2. Грищенко, А. В., Грачев, В. В., Базилевский, Ф. Ю., Шрайбер, М. А., Ганиева, Ю. М., & Мельникова, В. В. (2015). Оценка остаточного ресурса несущих конструкций локомотивов промышленного транспорта. *Бюллетень результатов научных исследований*, (3-4 (16-17)), 38-46. [[cyberleninka](#)].

3. Болатбек, Т. Б., Шактай, А. К., & Шактаев, К. Б. (2018). СОСТОЯНИЕ И ЭКСПЛУАТАЦИЯ МАНЕВРОВЫХ И ПРОМЫШЛЕННЫХ ЛОКОМОТИВОВ НА ПРОМЫШЛЕННОМ ТРАНСПОРТЕ. In *Перспективные этапы развития научных исследований: теория и практика* (pp. 181-182). [\[elibrary\]](#).
4. Пеканов, А. А. (2014). Состояние парка локомотивов промышленных предприятий: причины и следствия. *Вестник Института проблем естественных монополий: Техника железных дорог*, (3), 35-39. [\[elibrary\]](#).
5. Насыров, Р. К., & Зайниддинов, Н. С. (2009). Оценка остаточного ресурса несущих конструкций локомотивов промышленного транспорта. *Известия Петербургского университета путей сообщения*, (3), 113-122. [\[cyberleninka\]](#).
6. Yusufov, Abdulaziz Maxamadali O'g'li (2022). "O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI" AJ LOKOMOTIV PARKI TAHLILI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2 (11), 251-258. [\[cyberleninka\]](#).
7. Yusufov, A. (2022). O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TEMIR YO'LLARIDAGI MANEVR LOKOMOTIVLARINI TAHLILI VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI. *Science and innovation*, 1(A8), 943-950. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7445169>.
8. Yusufov, A., Azimov, S., & Jamilov, S. (2022). Determination of Residential Service of Locomotives in the Locomotive Park of JSC" Uzbekistan Railways. *Diesel locomotives*, 94, 88. [\[scienceweb\]](#).
9. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М. У., Кодиров, Н. С., Жамилов, Ш. Ф. У., Абдурасулов, Ш. Х., Абдулатипов, У. И. У., & Сейдаметов, С. Р. (2022). Прогнозирование остаточного ресурса главной рамы и продление сроков службы маневровых локомотивов на АО "УТЙ". *Universum: технические науки*, (4-5 (97)), 47-54. <https://doi.org/10.32743/UniTech.2022.97.4.13384>.
10. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М., Кудратов, Ш. И., Абдурасулов, А. М., & Азимов, С. М. (2022). ОЦЕНКА СРЕДНИХ НАПРЯЖЕНИЙ ЦИКЛА В НЕСУЩИХ РАМАХ ТЕПЛОВОЗОВ НА ОСНОВЕ КОНЕЧНО-ЭЛЕМЕНТНОГО РАСЧЕТА ОТ СТАТИЧЕСКИХ НАГРУЗОК. *Academic research in modern science*, 1(9), 118-124. [\[scienceweb\]](#).
11. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М., Абдурасулов, А. М., Жамилов, Ш. Ф., & Кудратов, Ш. И. (2022). Продлению остаточного ресурса главной рамы тепловоза серии ТЭМ2 с методом конечных элементов (МКЭ). *Инновационные подходы, проблемы, предложения и решения в науке и образовании*, 1(1), 148-153. [\[cyberleninka\]](#).
12. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М., Кудратов, Ш. И., Абдурасулов, А. М., & Жамилов, Ш. М. (2022). Обследование



технического состояния маневрового тепловоза серии ТЭМ2. *Academic research in modern science*, 1(9), 125-132. [[researchgate](#)].

13. Zayniddinov, N., & Abdurasulov, S. (2022). Durability analysis of locomotive load bearing welded structures. *Science and innovation*, 1(A8), 176-181.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7352390>.

14. Abdulaziz, Y., Otabek, K., Nuriddin, Z., Shukhrat, J., & Sherzamin, A. (2023). APPLICATION OF COMPUTER-AIDED DESIGN (CAD) SYSTEMS WHEN SOLVING ENGINEERING SURVEY TASKS. *Universum: технические науки*, (3-5 (108)), 5-9. [[cyberleninka](#)].

15. Хамидов, О. Р., Юсуфов, А. М. У., Зайниддинов, Н. С. У., Жамилов, Ш. Ф. У., & Абдурасулов, Ш. Х. (2023). ОЦЕНКА ДОЛГОВЕЧНОСТИ СВАРНЫХ НЕСУЩИХ КОНСТРУКЦИЙ ЛОКОМОТИВОВ. *Universum: технические науки*, (2-3 (107)), 48-53. [[cyberleninka](#)].

16. Rustamovich, X. O., Maxamadali o'g'li, Y. A., Savranbek o'g'li, Z. N., & Hayitbayevich, A. S (2023). O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SANOAT KORXONALARIDA FOYDALANILAYOTGAN LOKOMOTIVLARNING TAYANCH KONSTRUKSIYALARINING QOLDIQ MUDDATINI VAHOLASH ME'ZONLARI. *МАШИНАСОЗЛИК ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ*, №1, 176-184. [[researchgate](#)].

17. (2018). *Промышленный электровоз ПЭ2*. RailTrain. <https://railtrain.pro/pye2>.

18. Тяговые агрегаты ПЭ2М, ПЭ2У. История поездов. <https://trainshistory.ru/article/lokomotivy/tyagovye-agregaty-pe2m-pe2u>.

19. Раков В. А. Локомотивы и моторвагонный подвижной состав железных дорог Советского Союза, 1976–1985 / В. А. Раков. – Москва : Транспорт, 1990.

20. Браташ В. А. Электровозы и тяговые агрегаты промышленного транспорта. — Москва: Транспорт, 1977. — 528 с.

21. Узбекская железная дорога, Алмалыкский горно-металлургический комбинат. RailGallery. <https://railgallery.ru/list.php?did=1482>.

22. Узбекская железная дорога, АО "Узбекуголь" (Ангренское ПТУ). RailGallery. <https://railgallery.ru/list.php?did=2462>.

23. Электроподвижной состав промышленного транспорта: Справочник1 Л. В. Балон, В. А. Браташ, М. Л. Бичуч и др.; Под ред. Л. В. Балона.- М.: Транспорт, 1987.- 296 с.

24. Abdurasulov, S., Zayniddinov, N., Yusufov, A., & Jamilov, S. (2023). Analysis of stress-strain state of bogie frame of PE2U and PE2M industrial traction unit. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 401, p. 04022). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340104022>.



25. Yusufov, A., Khamidov, O., Zayniddinov, N., & Abdurasulov, S. (2023). Prediction of the stress-strain state of the bogie frames of shunting locomotives using the finite element method. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 401, p. 03041). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340103041>
26. Jamilov, S., Ergashev, O., Abduvaxobov, M., Azimov, S., & Abdurasulov, S. (2023). Improving the temperature resistance of traction electric motors using a microprocessor control system for modern locomotives. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 401, p. 03030). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340103030>.
27. “Промышленные будни” или поход по Алмалыкскому ГМК. T/Forum. <https://tashtrans.uz/tf/topic/1022-%E2%80%9Cpromyshlennye-budni%E2%80%9D-ili-pohod-po-almalykskomu-gmk>.



## INVESTIGATING THE IDENTIFICATION OF EFFECTIVE FACTORS IN IMPROVING SCHOOL MANAGEMENT

**Mohmand Shirzad**

Academic member of psychology and education sciences Department, Faculty of Education, Parwan University, Afghanistan

### ABSTRACT

The way of leadership and management is effective in the behavior of employees, the achievement of goals and the efficiency of an office or organization. At the same time, the effectiveness of management depends on the personality and management characteristics of the manager. The main goal of this research is to identify effective factors in improving school management. The importance of this research is that with its results, it is possible to help school administrators to have effective management and with proper management, they can provide a better educational situation for students in schools. The data collection in this research article was done by the qualitatively library research.

The findings of this research showed that, in general, two general factors play a role in the effectiveness of school management, which are: the manager's personality characteristics and management skills.

The personality characteristics of the manager are generally divided into three parts, which are: the physical and mental characteristics of the manager including: physical and mental health, and the power of thinking, understanding, and having appropriate morals and behavior, maturity characteristics of the manager including education, his experience, and the characteristics of the manager's power, i.e., how the manager uses power, including the power of reward, the power of coercion, and the power of law.

Тола солиштирма узилиш кучи белгиси бўйича С-6524 ва АН-130 навлари бошқа навларга нисбатан яхши натижани кўрсатди.  $F_1$  ўсимликларида АН-Боёвут-2 х С-6524 ва Наманган-77 х АН-130 комбинациялари,  $F_2$  ўсимликларида С-6524 х АН-Боёвут-2, АН-130 х Наманган-77 комбинацияларида ота-она шаклларга нисбатан юқори натижа кўрсатганлиги аниқланди.  $F_2$  реципрок комбинацияларида солиштирма узилиш кучи белгисининг наслдан-наслга берилиш коэффициенти  $h^2=0,48-0,75$  га тенг бўлди, бу эса таҳлил қилинаётган белгининг 48,0-75,0 % дурагай шаклнинг генотип, 25,0-52,0% ташқи муҳит таъсирида ирсийланганлигидан далолат беради.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. Алияров Н., Ибрагимов П., Ўрозов Б., Тўхтаев Э. Табиий рангли толали ғўза дурагайларида тола узунлигининг шаклланиши. // Агро илм журнали. – Тошкент. 2014. -№2[30]. – Б. 6-7.
3. Beil G.M., Atkins R.E. Inheritance of quantitative characters sorghum // Iowa State Journal of Science. – 1965. -№3. – P. 35-37.



4. Ахмедов Ж.Х., Уралов С., Нуритдинов А., Нурмаматов А., Уралов Ж. Янги яратилаётган ғўза навларини тола сифатини ошириш. // "Ќўза ва ғўза мажмуида экинларни парвариш агротехнологияларини такомиллаштириш" Респ. илмий-амалий. анжуман. – Тошкент. 2013. – Б. 326-328.

5. Campbell B.T., Chee P.W., Lubbers E., Bowman D.T., Meredith W.R., Johnson J.Jr. and Fraser D.E. Genetic Improvement of the Pee Dee Cotton Germplasm Collection following Seventy Years of Plant Breeding. Crop science. 2011. – P. 955-968.



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Рахат Мирзамуратович Хожанов**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

**Бектурди Суюнбаевич Турдимуратов**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

**Узақбай Турдибаевич Байназаров**

Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялари институти  
магистранти

### АННОТАЦИЯ

Шоли дони бошқа донларга солиштирганда, пишиш даврида ўрим-йиғим, ташиш, йиғиб олингандан сўнг донга ишлов бериш ва сақлаш даврида ноқулай шароитларга тушганда кўпинча ҳар хил макро ва микрошикастликлар пайдо бўлиши кузатилади, натижада уларнинг технологик кўрсаткичлари айниқса бутун гуруч чиқимини кескин пасайтиб юборади.

**Kalit so'zlar:** nav, qurg'oqchilik, shishasimon, sho'rланish, hashorat, kasallik, hosildorlik.

### ABSTRACT

Compared to other grains, when rice grain is exposed to unfavorable conditions during ripening, harvesting, transportation, post-harvest grain processing and storage period, many different types of macro and micro damages are observed, thus their technological indicators drastically reduce the output of rice.

**Keywords:** variety, drought, vitreous, salinity, pests, disease, fertility.

### КИРИШ

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида янгидан яратилган шоли навлари юқори ҳосил тўплаши билан бир вақтда донининг технологик сифат кўрсаткичлари, озиқ-овқат ва кулинариялик хоссалари жаҳон бозори талаблари мос равишда юқори кўрсаткичларга эга бўлиши лозим.



Қишлоқ хўжалиги йилдан-йилга жадал ривожланиб бормоқда. Бу жараёнда Юртбошимиз раҳбарлигида соҳада бозор реформаларини кенгайтириш натижасида, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасининг ривожланиб бораётганлиги, соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг замановий инновацион сув ва ресурсларни тежайдиган технологияларнинг жадал тарзда кириб келаётганлиги, эришилаётган юқори натижаларда асосий ўринни эгалламоқда [1].

Дунё бозорида шоланинг энг қимматлиси узун гуручли юқори шишасимонликка эга бўлган навлари ҳисобланади. Бугунги кунда ер ва сув ресурсларининг чекланганлигини ҳисобга олиб, шолчилик самарадорлигини ошириш ҳамда республикада яратилган истиқболли навларнинг биологик хусусиятларидан тўлиқ фойдаланишда илм-фан соҳасида ишлаб чиқилган янги самарали агротехнологияларни амалиётга кенг жорий қилиш ҳозирги куннинг долзарб масалалари бири ҳисобланади [4].

Истиқболли шоли навларини кўз билан кўриб баҳолаганда биринчи навбатда кўзга ташланаётган кўрсаткичларга доннинг шакли ва унинг ўлчами киради. Доннинг шакли доннинг узунлининг энига нисбати бўйича ҳисобланади.

Барча давлатларда шоли навлари узун гуручли, ўртача узунликдаги ва калта юмолақ гуручли навлар бўлиб бўлинади. Узун донли сортларда доннинг узунлиги (L) энини (b) нисбати ( $Lb=3$ ) учдан юқори. Ўртача донли навларда бу кўрсаткич 2,0 – 2,9 га тенг бўлади, юмалоқ донли навларда 1,6 – 2,0 га тенг. Шоли донининг технологик кўрсаткичлари, навдорлик белги бўлиб, уларга доннинг шакли, йириклиги, қобиклиги, тиниқ ва шишасимонлиги, синишга мойиллиги, умумий ҳосилнинг (ёрма), шундан бутун гуручнинг чиқими бўйича бир-бирдан ажралиб туради [2,3].

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МУҲОКАМА

Ерни тайёрлашда - дастлаб майдон бегона ўтлардан тозаланиб, 1 сотих майдонга 180–200 кг (10 сотихга 1,8–2 т) чириган, тоза гўнг солинди. Ер 15–20 см чуқурликда юмшатилиб, йирик кесаклар майдаланди, яхшилаб текислангач пол олинади ва сув бостирилди. Экишдан олдин челлар 4–6 см қалинликда сув билан бостирилади. Қаторлар ораси 15 см, уялар ораси 10 см, ҳар бир уядаги уруғ сони 3–4 та. Экилгандан кейин полдаги сув сатҳи 10–15 кун давомида 5–8, кейинчалик 10–12 см бўлиши керак. Шоли азотли (карбамид, сульфат аммоний), фосфорли (аммофос) ва калийли ўғитлар билан уч марта озиклантирилади. Вегетация даврида 1



сотихга 0,4 кг (10 сотихга 4 кг) меъёрда биринчи озиклантириш, кўчат 8–9 та барг чиқарганда 1 сотихга 0,3 кг (10 сотихга 3 кг) меъёрда иккинчи озиклантириш ва бошоқлаш даврида 1 сотихга 0,3 кг меъёрда учинчи озиклантириш ўтказилади. Шоли майдони бегона ўтлардан доимий равишда тозалаб турилади.

## НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тадқиқотлар олиб боришимиздан асосий мақсад, шоли навлари донининг технологик кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб таҳлил қилиш ва энг яхши натижага эга бўлган намуналарнинг мослашувчанлиги ўрганиш


Ўрганилган навлар донининг технологик кўрсаткичлари бўйича баҳоланиб таҳлил қилинганимизда энг яхши натижага эга бўлган намуналар бизнинг шароитимизга мослашганлигини кўрсатди.

Олинган маълумотларга қараганда танлаб олинган навлар донининг тиниқлиги ва қобиқлилиги кўрсаткичлари бўйича қониқорли миқдорга эга эканлиги маълум бўлди.

Энг ўта қобиқли шишасимон гуручли навларга Санам, Жайхун, Гулситон навлари киради. Бу кўрсаткич андоза навларда 17 – 19 % оралиғида бўлди. Навлар донининг қобиқлилиги кўрсаткичи қанча юқори бўлса, улардан шунча умумий ёрма чиқими миқдори кам бўлиши илмий жиҳатдан исботланган.

Илмий тадқиқотларда шоли дони қанчалик йирик бўлса, унинг қобиқлилиги миқдори шунчалик кам бўлади. Бизнинг тажрибаларимизда ўрганилаётган шоли нав намуналаримизда ҳам шундай қонуният сақланиб қолди. Ўта қобиқли нав намуналарининг умумий ҳосили (ёрмаси) чиқими қалин қобиқли навларга солиштирганда анча кўп бўлди. Доннинг қобиқлилиги кўрсаткичи навдорлик белгиси бўлиб, доннинг гул қобиғининг умумий ҳосилининг миқдorigа нисбати фоиз ҳисобида аниқланиб ўрганганимизда бу кўрсаткичнинг миқдори 16,0% дан 20% оралиғида бўлди.

Шоли донининг синиш даражасининг миқдори навдорлик белги бўлгани билан бу кўрсаткичга ташқи муҳитнинг ҳамда шолини экиб парваришlash технологияси катта таъсир кўрсатади. Бу кўрсаткич танлаб ажратиб олинган навларда ҳархил миқдорда бўлиб навдорлик белги эканлиги аниқланди.



**Расм.1. Шоли навларида сифат кўрсаткичларининг таҳлили**

Шоли донининг технологик кўрсаткичлари ичида синиб ёрилиши гуручнинг шлифовкаланганда уларнинг эндоспермасининг зичлигининг механик таъсирга чидамлилигини белгиловчи кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Шоли дони бошқа донларга солиштирганда, пишиш даврида ўрним-йғим, ташиш, йиғиб олингандан сўнг донга ишлов бериш ва сақлаш даврида ноқулай шароитларга тушганда кўпинча ҳар хил макро ва микрошикастликлар пайдо бўлиши кузатилади, натижада уларнинг технологик кўрсаткичлари айниқса бутун гуруч чиқимини кескин пасайтиб юборади.

Ўрганилаётган шоли навлари бу кўрсаткичнинг миқдорига қараб Оролбўйи ҳудудида қанақа мослашганлигини аниқлашга бўлади. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитларида шоли донини қайта ишловчи корхоналар шоли донининг технологик кўрсаткичларига юқори талаб қўймоқда. Айниқса, синиб ёрилиши кам, эндоспермаси тифиз тиниқ шишасимон гуручли навларни юқори баҳолайди. Сабаби, бундай гуручларнинг кулинариялик баҳоси яхши бўлиб, бир-бири билан ёпишиб қолмайди, яхши бир текис ёйилиш, сув синдириш аҳамиятига эга, тами ва мазаси жуда яхши бўлади. Ўрганилган нав намуналарининг шишасимонлиги 85% дан 100% оралиғида бўлди (расм-1.).

Бизнинг танлаб ажратиб олиб ўрганган навларимизнинг умумий ҳосил чиқими 70% дан 76% оралиғида бўлди. Бу кўрсаткич бўйича энг яхшиси Санам ва Алмаз навларида кузатилди. Нав намуналарини баҳолаганимизда асосий кўрсаткич умумий ҳосил чиқими (ёрма) ва ундан бутун гуруч чиқими бўлиб ҳисобланади.

## ХУЛОСА

Шоли навлари донинг қобқилиги, шишасимонлиги, синиб ёриловчанлик кўрсаткичларининг барчаси деярли умумий ҳосил чиқимиға (ёрма), шу жумладан бутун гуруч чиқимиға ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди.

Барча технологик кўрсаткичларини ҳисобға олиб қимматли-хўжалик белгилар юқори бўлган нав яратиш мақсадида ушбу нав намуналарини ота-она жуфтларни чатиштириш ишларини олиб боришда фойдаланишни тавсия этамиз.

## REFERENCES

1. Ózbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 12-dekabrdagi “Sholichilikni rivojlantirishga doir qóshimcha chora-tadbirlar tógrisida”gi 986-sonli qarori.
2. Костылева Л.М., Францева Н.В. Анализ взаимосвязи между признаками, характеризующими технологические свойства зерна и крупы риса. // Вестник аграрной науки Дона. 2(13), 2013, С. 68-73.
3. Плешкова Б.А. Качество рисового зерна. // М. «Колос». 2007. 84 с.
4. Эгамназаров А. Шоли сувни хуш кўради. // Ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. Тошкент, 2005. №7.17 б.





## ENVIRONMENTAL IMPACT ASSESSMENT IN AN INTERNATIONAL CONTEXT

**Shakhnoza Ozodjonovna Akhmedova**

Senior Lecturer of Environmental Law Department

of Tashkent State University of Law

E-mail: [sh.axmedova@tsul.uz](mailto:sh.axmedova@tsul.uz)

### ABSTRACT

Pollution of the natural environment is progressively increasing in accordance with the increasing rate of technogenic load. This problem necessitates taking measures to prevent negative consequences. Due with this, at the state level, an assessment of the state and impact on the environment and the development of measures aimed at its protection in the legal aspect are carried out. Subjects appropriate to carry out these activities need to determine the legal distinction between the definitions of environmental monitoring and environmental impact assessment.

**Keywords:** environmental impact assessment, planned economic and other activities, state ecological expertise, transboundary procedure, environmental impact assessment report, public discussions.

Modern issues of environmental protection are becoming increasingly important both at the state level and for the international community, which has adopted a new sustainable development agenda for the period up to 2030. – Transforming Our World: The 2023 Agenda for Sustainable Development, which defines 17 Sustainable Development Goals (SDGs) accompanied by 169 targets. Environmental protection is one of the three key elements of the concept of sustainable development, which is reflected in the SDGs. This, in particular, is emphasized in the 2017 Minsk Declaration adopted at the seventh session of the Meeting of the Parties to the Convention on Environmental Impact Assessment in a Transboundary Context (Espoo Convention) and the third session of the Meeting of the Parties to the Convention serving as the Meeting of the Parties to the Protocol on Strategic Assessment.

The Report of the United Nations International Law Commission in 2016 on the protection of the atmosphere at its sixty-eighth session in 2016 emphasizes the obligation of environmental impact assessment in a guideline: states have an obligation to ensure that an environmental impact assessment is carried out for proposed activities under their



jurisdiction or control that may have significant adverse effects on the atmosphere in terms of atmospheric pollution or atmospheric degradation.

At present, the transboundary aspect is particularly relevant. In this regard, the essence of environmental impact assessment in general and in the transboundary context considered by us in the framework of the EIA study, in particular, lies in the obligation of a comprehensive, integrated understanding of such impact in terms of the intended economic and other activities.

As pointed out by the International Court of Justice in the Costa Rica Road along the San case, it is the duty of a state to exercise due diligence to prevent significant transboundary harm before undertaking activities that have the potential to cause environmental harm to another state. If such a hazard exists, the State concerned must carry out an environmental impact assessment.

The genesis of environmental impact assessment in the legal space states the most difficult path for almost fifty years of existence - from the norms of the national law of a number of states to the consolidation of key positions in the following international treaties: Convention on Environmental Impact Assessment in a Transboundary Context (Espoo Convention) 1991, Convention on Early Notification of Nuclear Accidents 1992, Convention on Long Range Transboundary Air Pollution 1979, Framework Convention for the Protection of the Marine Environment of the Caspian Sea 2003, Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes 1992, Convention on Access to Information, public participation in decision-making and access to justice in environmental matters (Aarhus Convention) 1998, Madrid Protocol 1991. to the Antarctic Treaty of 1959), in the environmental programs of the European Union, in soft law documents, draft regional international agreements (in the region of the Caspian Sea, the states of North America that form NAFTA).

In connection with the specific needs and obligations of states in various areas of environmental protection, the regulation of EIA in international legal documents has become more complicated and detailed. This trend has led to the fact that already at the turn of the XX - XXI centuries. the international legal customary nature of EIA obligations has been confirmed in a number of cases by the International Court of Justice, the International Tribunal for the Law of the Sea, as well as international arbitrations of various branches. In this last case, the International Court of Justice noted that there is an international custom for the need for an EIA, but there is no consensus on its legal content. This fact, of course, emphasizes the importance of conducting scientific research on the comparison of existing EIA procedures, identifying the best



practice for conducting EIA in accordance with current international law.

“In addition, a number of international intergovernmental organizations, such as the World Bank, have become actively involved in the promotion of EIA through the adoption of their internal rules or guidelines.” The European Bank for Reconstruction and Development, as a mandatory requirement for obtaining a loan, indicates an environmental impact assessment, called an environmental impact analysis (EIA), which is one of the most important types of environmental assessments.

Environmental impact assessment is an institution of international environmental law, the subject of which is the relationship of states and other subjects of international law to assess the likely transboundary impact of a planned activity on the environment, whose physical source is located wholly or partially within the jurisdiction of one of the parties. The principles of regulation of the institution of environmental impact assessment are: the presumption of potential environmental hazard of the impact of the planned activity on the environment, the obligation to comply with the national EIA procedure, preventiveness, objectivity, alternativeness, comprehensiveness, transparency, consideration of public opinion. The method of legal regulation of the EIA institute is the agreement of its participants on fixing the planned activity in the national legislation of the parties to the EIA procedure with the appointment of the relevant authorities and responsible persons. The sources are international agreements that differ in certain specifics of legal regulation.

Environmental impact assessment, as well as issues of its implementation, as an institution of international environmental law, were initially enshrined in national legislation, and only then developed in international law. At the same time, it was found that the implementation of environmental impact assessment in the international context differs from the national procedure in a number of aspects that determined the specifics of the international legal regulation of this procedure: the need to take into account the sovereignty of states of potential impact; the objective existence of an increased need for bilateral, regional and universal cooperation; the need to take into account the views of the public of the state whose interests will be affected; the need for interstate consultations; cross-border implementation of the assessment procedure.

Under the strategic environmental assessment, it is necessary to understand the analysis of the expected environmental consequences, including all stages of the formation of an environmental report, including the participation of various public institutions, consultations with



specialists, as well as taking into account the provisions of such a report and the results of consultations with the public in the plan or program. Like EIA, SEA seeks to prevent or mitigate the negative impact of an activity on the environment until a decision is made on the possibility of implementing such an activity. Due to the fact that strategic environmental assessment affects decision-making at an earlier stage than EIA, it can be said that it contributes to sustainable development and is an important tool in the development of plans and programs.

The institution of transboundary EIA, originally enshrined in the UNECE Convention on Environmental Impact Assessment in a Transboundary Context (Espoo, 1991), which is the most important binding international treaty for its participants, is being developed during the annual Meetings of the Parties to the Espoo Convention, as through the adoption of binding amendments to the Convention (the 2001 amendment entered into force on 08/26/2004 and the 2004 amendment entered into force on 10/23/2017) and protocols (Protocol on Strategic Environmental Assessment 2003), and soft law documents (“Guidelines”, etc.).

It seems necessary to develop a model legislative act for the CIS member states and introduce clarifications into the conceptual apparatus for a clear distinction between such concepts as “strategic environmental assessment”, “environmental impact assessment”, “state environmental expertise”; creation of norms that would clearly regulate the procedure (procedure) for conducting an EIA and its individual stages. In addition, it is necessary to develop a national procedure for conducting transboundary EIA, which would be consistent with ratified international treaties, and recommend that the CIS member countries bring their domestic environmental legislation in line with this model legal act.

## REFERENCES

1. Protocol on Strategic Environmental Assessment 2003;
2. UNECE Convention on Environmental Impact Assessment in a Transboundary Context (Espoo, 1991);
3. Gillespie A. The long Road to Sustainability. The Past, Present, and Future of International Law and Policy. Oxford University Press, 2018;
4. World Bank, Operational Policies – Environmental Assessment, OP4.01, (1999)  
URL: <http://web.worldbank.org/WBSITE/EXTERNAL/TOPICS/ENVIRONMENTAL/EXTENVASS> 0., contentMDK:20482643-menuPK:148956-piPK:216618-theSitePK/407988,00.html;
5. Convention on Early Notification of Nuclear Accidents, 1992;



6. Convention on Long Range Transboundary Air Pollution, 1979;
7. Framework Convention for the Protection of the Marine Environment of the Caspian Sea, 2003;
8. Convention on the Protection and Use of Transboundary Watercourses and International Lakes, 1992;
9. Convention on Access to Information, Public Participation in Decision-Making and Access to Justice in Matters Concerning the Environment (Aarhus Convention) 1998;
10. Madrid Protocol 1991 to the 1959 Antarctic Treaty.



## DARSDAN TASHQARI MASHG‘ULOTLARNI REJALASHTIRISHDA SINFLAR RAHBARLARI VA O‘TANALAR BILAN HAMKORLIKDAGI FAOLIYAT (“TARBIYA” FANI MISOLIDA)

Muborak Xudayberganovna Mo‘minova

O‘zbekiston Respublikasi Ichki Ishlar Vazirligi 2-son Toshkent akademik litseyi  
“Huquq va ijtimoiy- gumanitar fanlar” kafedrasida katta o‘qituvchisi

### ANNOTATSIYA

Mazkur maqolada ijtimoiy fanlar kesimida darsdan tashqari ishlarni tashkil qilish, rejalashtirishning uslubiy asoslari taqdim qilingan. Shuningdek darsdan tashqari ishlarni tashkil qilishda fan o‘qituvchining sinf rahbari va ota-onalar bilan hamkorlikda olib boriladigan faoliyat mexanizmlari aks ettirilgan. Ta’lim sub’yektlari hamkorligi asosida tashkil qilinadigan darsdan tashqari ishlarning har bir sub’yektga taqdim qiluvchi imkoniyatlari bayon etilgan.

**Kalit so‘zlar:** darsdan tashqari ishlar, hamkorlikdagi faoliyat, rejalashtirish, ish shakllari, innovasion usullar, yo‘nalishlar, tarbiyaviy ishlar, sinf rahbarlari, ota-onalar

### ACTIVITY IN COOPERATION WITH CLASSROOM LEADERS AND PARENTS IN PLANNING OUTSIDE THE CLASSROOM ACTIVITIES (IN THE EXAMPLE OF THE SUBJECT “EDUCATION”)

### ABSTRACT

This article presents the methodological foundations of organizing and planning extracurricular activities in the field of social sciences. Also, the mechanisms of the science teacher's cooperation with the head of the class and parents in the organization of extracurricular activities are reflected. The possibilities of extracurricular activities organized on the basis of cooperation of educational subjects for each subject are described.

**Keywords:** extracurricular activities, cooperative activities, planning, forms of work, innovative methods, directions, educational activities, class leaders, parents

### KIRISH

Darsdan tashqari ishlar birinchi navbatda tashabbus bilan tashkil etiladigan faoliyat sifatida namoyon bo‘ladi. Asosiy tashabbuskorlar: fan o‘qituvchilari, sinf rahbarlari va qo‘shimcha ta’lim o‘qituvchilari, ota-onalar hisoblanadi. Shu o‘rinda ota-onalarning



ta'lim salohiyati, tarbiyalanganlik holati qoniqarli bo'lmasa sinf rahbarlari, fan o'qituvchilari ularning farzandlarini darsdan tashqari mashg'ulotlarga va ishlarga jalb qilishida to'g'ri yo'nalish va maslahatlar berib borishlari zarur. Aksariyat ota-onalar o'z farzandlari kelajagi va ertangi kuni uchun qayg'uradi va bo'sh vaqtlarini unumli tashkil qilishga sharoit va e'tibor qaratadilar. Darsdan tashqari ishlarning asosiy maqsadi o'quvchilar bo'sh vaqtini unumli tashkil qilish, ularni qiziqtiradigan faoliyatning ma'lum turiga, ommaviy, ijtimoiy foydali faoliyatga jalb qilishdan iborat.

### ADABIYOTLAR TAHLILI

Sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishning nazariy asoslari, amaliy jihatlari, uning usul va shakllari maxalliy olimlar Sh.Mardonov, A.Xalikov, A.Sadikova, F.Ibragimova, N.Artikova, J.Abdusamatov, R.Shermatov, O.Norbadalov, E.Nokuvvatovlar tomonidan o'rganilgan. Mazkur tadqiqotchilar sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishning nazariy va amaliy jihatlari yoritishda muayyan fan nuqtai nazaridan yondashgan. Ammo ularda ta'lim bosqichlarida, xususan, boshlangich ta'limda ushbu masalaning amaliyotga joriy etilishi yetarli darajada yoritilmagan.

### NATIJA VA MUHOKAMALAR

Umumta'lim maktablarida darsdan tashqari ishlar shunday tashkil qilinishi kerakki, har bir o'quvchining qiziqishlari, sevimli mashg'ulotlarini o'rganish asosida ularning individual rivojlanishini ta'minlashi lozim. Sinfdan tashqari ishlarni maqsadli va to'g'ri tashkil qilish bolaning shaxs sifatida shakllanishi va jamiyatda muvaffaqiyatli moslashishi, ongli kasb tanlashiga yordam beradi [1]. Har bir o'quvchi o'ziga xos qobiliyatga ega bo'ladi. Ko'plab pedagoglar qobiliyatsiz bola bo'lmasligini faqat uni anglamaydigan bolalar mavjudligini aytadi. Darsdan tashqari ishlar har bir o'quvchining ijodiy salohiyatini, uning qobiliyatlarini namoyon qilishiga yordam beradi. Bolada individuallikni shakllantiradigan shaxsiy xususiyatlar: tashabbus, mustaqillik va o'ziga xoslikni yuzaga chiqarish sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilishda innovatsion yondashuvlardan foydalanishni taqozo qiladi. Sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish va o'tkazishda tarbiyachining eng muhim vazifasi o'quvchilarni o'quv vazifalarini hal etishga o'rgatishdan iborat. Buning uchun harakat usullarini to'g'ri tanlashi, o'z hatti-harakatlariga rahbarlik faoliyatini nazorat qilishdan, mustaqil ish ko'nikmalarini boshqa muhim hayotiy vaziyatlarga o'tkazishdan kelib chiqishdan iborat ekanligini nazarda tutish lozim [2]. O'qituvchi o'quvchi bilan darsdan tashqari birgalikdagi faoliyatida insonparvarlik, erkinlik va



demokratiya tamoyillariga rioya qilishi pedagogik o‘zaro ta’sirning samaradorligini oshirishni ta’minlaydi [3].

“Tarbiya” fanida darsdan tashqari mashg‘ulotlariga o‘quvchilarni jalb qilishning dastlabki bosqichida o‘qituvchilarning umumiy ta’limdagi yondashuvlar haqida xabardor bo‘lishi maqsadni to‘g‘ri qo‘yishda va maktab istiqbolida muhim ahamiyatga ega. Sinfdan tashqari ishni tashkil qilishning ilk bosqichida o‘qituvchi va sinf rahbarlari o‘quvchilarni darsdan tashqari mashg‘ulotlarga motivatsiyasini shakllantirishi kerak. Uni tashkil qilishning quyidagi shakllari mavjud: individual darslar, ommaviy ishlar, tanlovlar, viktorinalar, muzeylarga sayyohat, maktab ko‘rgazmalari, ekskursiyalar, ijodiy to‘garaklar, sport to‘garaklari va h.z. Yaxlit pedagogik jarayon sifatida sinfdan tashqari ishlarni tashkil etishning doimiy shakllari bilan bir qatorda olimpiadalar, viktorinalar, tanlovlar, musobaqalar, ko‘rgazma va ekspeditsiyalar kabi epizodik tadbirlar katta ahamiyatga ega [4].

Biz sanab o‘tgan ish shakllari asosida o‘qituvchi boladagi qiziqishlar, fan sohalariga bo‘lgan moyillik, uning potensial imkoniyatlari, manfaatlarini aniqlay oladi. Shu asosida o‘qituvchi har bir o‘quvchi uchun individual rivojlanish trayektoriyasini ishlab chiqishi va taklif qilishi mumkin bo‘ladi.

**Rejalashtirish** - sinf rahbari faoliyatida bolalar bilan ishlashda to‘xtamaydigan ijodiy jarayon bo‘lishi, qotib qolgan shaklda bo‘lmasligi, doimiy boyitilib borilishi va ijodkorona yondashilishi lozim bo‘lgan jarayon sifatida qaralishi lozim. Sinf ishini rejalashtirishda sinf jamoasini nafaqat tarbiyaviy, balki ta’limiy jihatdan rivojlantirish haqida vazifalar belgilanishi lozim. Rejalashtirish sinf rahbarining ta’lim sifatini boshqarish texnologiyasida eng muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. Rejalashtirish sinf rahbariga quyidagi imkoniyatlarni beradi:

- sinf jamoasini, tarbiyalanganlik darajasi va ularning ta’lim imkoniyatlarini o‘rganish;

- sinfning ta’lim tizimini rivojlantirish maqsadini aniq anglash;

- ta’limning strategik va taktik vazifalarini belgilash;

- o‘quv faoliyatining shakllari, usullari va vositalarini maqsadga muvofiq tanlash;

- natijalarni tahlil qilish asosida ta’lim-tarbiya tizimidagi har bir sub’yektning sinf jamoasi boshqaruv faoliyati natijalarini bashorat qilish, rivojlanishdagi oldinga siljishni rejalashtirish uchun faoliyat mazmunini analitik asoslash, kelajakda kutiladigan pedagogik muammolarni aniqlash;


- maqsad va vazifalarni shakllantirish;

maqsadlar va echimlarga erishishni ta’minlash bo‘yicha chora-tadbirlar tizimini tanlash va hokazo [5].





Sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish ishlari, asosan, 2 ta yoʻnalishda olib boriladi (1-rasm).



*1-rasm. Sinfdan tashqari ishlarni tashkil qilish yoʻnalishlari*

Tarbiyaviy ish bu taʼlim muassasasining barcha pedagoglari zimmasidagi vazifa hisoblanadi. Shu oʻrinda sinf rahbari oʻziga birlashtirilgan sinfdan dars beruvchi oʻqituvchilarning tarbiyaviy ishlarini muvofiqlashtiradi va boshqaradi. Buni sinf rahbarining har bir oʻquvchi oilaviy sharoiti, qiziqishlari, ruhiy holati (tashvishlari, muammolari) bilan bevosita tanish boʻlganligi bilan izohlash mumkin.

Sinf rahbarining tarbiyaviy ish rejasi bu majburiy pedagogik hujjatdir. Uning rejasida birlashtirilgan sinf jamoasining darsdan tashqari boʻsh vaqtlarini mazmunli tashkil qilish masalasi fan oʻqituvchilari va ota-onalar bilan bamaslahat rejalashtirilishi maqsadga muvofiqdir. Ayniqsa fan oʻqituvchilari bilan oʻquvchilarning qiziqishlari boʻyicha kichik pedagogik yigʻilishlar tashkil qilib turish yaxshi samara beradi. Bunda tuziladigan ish rejasi choraklik, yarim va bir yillik shakllarida tuzilishi mumkin. Darsdan tashqari ishlar bolaning shaxs sifatida rivojlanish bosqichlarini belgilab olishni ham nazarda tutadi. **Darsdan tashqari tarbiyaviy ishlarni ham tashkil qilishda quyidagilarni hisobga olish maqsadga muvofiqdir:**

- ✓ bolani qadriyat sifatida bilish, undagi individuallik, oʻziga xoslikni hurmat qilish, ijtimoiy huquqlarini eʼtiborda saqlash;
- ✓ milliylikning oʻziga xos anʼana va qadriyatlariga tayanish;
- ✓ pedagoglar oʻrtasida oʻzaro hurmat munosabatlarini shakllantirish;
- ✓ Oila va mahallaning yuksak tarbiyaviy imkoniyatlari, bolalar va ota-onalarning oʻziga xos xususiyatlarini hisobga olish va h.z.

Darsdan tashqari mashgʻulotlarni tashkil qilish, avvalo oʻqituvchidan ijodkorlikni va yuksak maʼsuliyatni talab qiladi. Shu bilan birga pedagogik jihatdan mahoratli boʻlishi ham ahamiyatga ega. Sababi qiziqarli boʻlmagan zerikarli mashgʻulotlar bolani zeriktiradi va qoʻshimcha shugʻullanishga boʻlgan motivatsiyasining yoʻqolishiga sabab boʻladi. Oʻqituvchi-tarbiyachilar tarbiyaviy ishlarni tashkil qilishda quyidagi tamoyillarini asos qilib oladilar: tarbiyaviy tadbirlar oʻtkazishdan

maqsad milliy ma'naviyatni yosh avlod ongiga singdirish va e'tiqodiga aylantirishdan iborat ekanligi; tarbiya jarayonining milliy va umuminsoniy qadriyatlar bilan bog'lab bola qalbiga va ongiga ta'sir ko'rsatish; tarbiyaviy ishlarni o'quvchilar jamoasini jipslashtiruvchi omillar bilan boyitib, tarbiyani ta'lim bilan uzviylikini ta'minlash; tarbiya jarayonida bolalarni tarbiyalangan darajasini aniqlash va ijobiy tomonlarini o'stirish; bola shaxsiga hurmat va talabchanlik va h.z. O'quvchining darsdan tashqari bo'sh vaqtlarini unumli tashkil qilishi uning kelajakda kasbga to'g'ri yo'nalishida muhim ahamiyat kasb etadi. Chunki darsdan keyin bola shug'ullanayotgan mashg'ulot va to'garaklar uni maqsadli faoliyatiga zamin tayyorlaydi. Bugungi kunda umumta'lim maktablarining asosiy vazifasi o'sib kelayotgan yosh avlodni jamiyatning faol a'zosi sifatida kelgusidagi faoliyatga, biron bir soha yoki kasbning fidokor insoni sifatida tayyorlash hisoblanadi. Kasb-hunarga yo'naltirish maktab faoliyatining eng muhim vazifasi sifatida qaralishi lozim. Bu borada nafaqat maktab, balki boshqa ijtimoiy institutlar jumladan, oila, mahalla, yoshlar ittifoqi kabi ijtimoiy institutlar bunga ma'suldirlar. Darsdan tashqari mashg'ulotlarda kasbiy tarbiyaning asosiy vazifasi bolaning aqliy, axloqiy, jismoniy rivojlanishi, qobiliyatlari va iste'dodlarining ruyobga chiqishiga zamin yaratishdir.

#### **Darsdan tashqari mashg'ulotlarda kasbiy tarbiyaning asosiy vazifasi:**

- bolaning imkoniyatlari va qobiliyatlarini har tomonlama ochish;
- yoshlarni erkin fikrlashga, hayotga tayyorlash;
- o'zini idora va nazorat qilishni shakllantirish;
- o'z shaxsiy hayoiga maqsadli yondashuvning yuzaga kelishi, reja va amal birligi [6].

Kasbiy tarbiyani amalga oshirishda umuminsoniy qadriyatlar doimo diqqat markazida bo'lishi va unga amal qilishini ta'minlanishi muhim. Darsdan tashqari ishlarni tashkil qilishda o'quvchilarni kitobxonlikga yo'naltirish, o'quvchi ma'naviyati rivojlantirishda eng muhim omillardan hisoblanadi. Shu o'rinda "Tarbiya" fani o'qituvchisi fan mavzulariga qo'shimcha ravishda bola ma'naviy va axloqiy rivojlanishida muhim didaktik ahamiyatga ega adabiyotlar ro'yxatini shakllantirishi va bolalarga doimiy tavsiya berib, ularning kutubxonaga borib turishlarini nazorat qilib turishi kerak. Kitob tanlashda asosan milliy tarbiya asoslari singdirilgan "Qobusnoma", "Ijtimoiy odoblar", "Turkiy guliston yoxud axloq" yoki psixologik-motivatsion ahamiyatga ega bo'lgan adabiyotlarni o'quvchi yosh xususiyatidan kelib chiqib tavsiya qilishi lozim. Ba'zi o'quvchilar bu borada o'qituvchi beradigan yo'nalishga muhtoj bo'ladi. O'quvchilarning kitobxonlik madaniyatini shakllantirish ham darsdan tashqari ishlarning eng muhim vazifalari sifatida rejalashtirilishi lozim.



Fan o'qituvchilari va sinf rahbarlari maktab kutubxona xodimlari bilan hamkorlikda ish olib borishi, maktab yoki sinf jamoasi orasida darsdan tashqari vaqtlarda kitobxonlik tanlovlarining o'tkazilib turilishi o'quvchilarning kitobxonlikga bo'lgan rag'batini oshiradi.

Kasbiy tarbiyani zamon talablari asosida kasbiy tarbiyani zamon talablari asosida tashkil etadigan pedagog xodimlarni ushbu jarayonga tayyorlash zaruriyati mavjud. Sababi pedagog mamlakatda qaysi kasb indikatorlariga talab va extiyoj yuqori ekanligi va ushbu kasb egalari qanday kompetensiyalarga ega bo'lishi haqida tushunchalarga ega bo'lmasa maqsadga erishib bo'lmaydi. Sinf rahbarlari, fan o'qituvchilari faoliyatida kasbga yo'naltirish birlamchi vazifalar qatorida qaralishi va quyidagi tarkibiy qismlari bo'lishi lozim:

- kasbiy ta'lim;
- kasbiy faollashtirish;
- professional maslahat;
- kasbiy moslashuv.

Maktabda kasbga yo'naltirish ishlariga sinf rahbari, maktab psixologi va fan o'qituvchilari mas'ul bo'lib, ushbu jabhada sinf rahbari markaziy figura hisoblanadi. U kasbga yo'naltirish ishlarida quyidagi vazifalarni bajaradi:

1. O'quvchilarning o'z-o'zini anglashlariga yordam berish.
2. O'quvchilarning ijtimoiy foydali va samarali mehnatini tashkil etishda ishtirok etish.
3. Kasb turlari va ularning mazmuni bilan muntazam tanishtirib borish.
4. Mintaqa uchun zarur kasb indikatorlarini targ'ib qilish;
5. O'quvchining kasbiy qiziqishlari, niyatlari, imkoniyatlari, qobiliyatlarini o'rgangan holda ularni ota-onalar bilan hamkorlikda tizimli kasbga yo'naltirish.
6. Turli kasb vakillari bilan uchrashuvlar va ekskursiyalar tashkil qilish.
7. Qo'shimcha fan to'garaklarini tashkil qilish.
8. Fan o'qituvchilarning harakatlarini muvofiqlashtirish va hokazo.

Umumta'lim maktabarida o'quvchilar bilan "To'g'ri kasb tanlash nimani anglatadi?", "O'zingizni hayotga qanday tayyorlashingiz kerak?" "Mening qiziqishlarim va yuksak orzularim" mavzusida ijodiy ish va insho tanlovlari va ota-onalar bilan suhbatlar o'tkazilib turilishi maqsadga muvofiq. Bunda o'quvchilar kasb tanlashning ahamiyati haqida mushohada qiladilar. Darsdan tashqari bo'sh vaqtlarini unumli tashkil qilish birinchidan, ularning turli yomon ta'sirlarga tushib qolishidan saqlasa, ikkinchidan o'quvchi qimmatli vaqtini isrof qilinishidan saqlaydi, hamda ularning jamiyat talablariga mos tarzda ulg'ayishini ta'minlaydi. O'qitishning asosiy tashkiliy shakli



bo'lgan dars va darsdan tashqari ishlar qanday shaklda bo'lmasin ilmiy-nazariy, ilmiy-metodik va ma'naviy -ma'rifiy jihatdan to'laqonli bajarilgandagina yuksak pedagogik samarani berishi mumkin. Bunda, albatta bilim oluvchilarning yosh va fiziologik xususiyatlari, qiziqishi, bilim saviyasi, fikr yuritish doirasi hisobga olinishi lozim. Buning uchun ta'lim va tarbiya beruvchining yuqori darajasidagi pedagogik mahorati va kasbiy salohiyati talab qilinadi. O'sib kelayotgan yosh avlodning bo'sh vaqtlarini unumli tashkil qilish ular kelajagining kafolatidir.

## REFERENCES

1. Якубова Х.С., Мухамедова Х.Б. Трудовое воспитание, как социальное явление в педагогике // В сборнике: Высшее и среднее профессиональное образование России в начале 21-го века: состояние, проблемы, перспективы развития Материалы 12-й Международной научно-практической конференции. В 2- книгах., 2018. С. 277-279..
2. Ходжамкулов У.Н., Пердешова Н..Синфдан ташқари ишларни ташкил этиш:усул ва шакллар// ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES/VOLUME 2/ISSUE 3/2021.-P.18-21
3. Педагогика: учебник для студ. высш. учеб. заведений [Текст] / В.А. Слостенин, И.Ф. Исаев, Е.Н. Шиянов; под ред. В.А. Слостенина. М.: Издательский центр «Академия», 2008. 576 с.
4. Педагогика. Учеб. пособие для студ. высш. пед. учеб. заведений / В. А. Слостенин, И. Ф. Исаев, Е. Н. Шиянов; Под ред. В.А. Слостенина. - М.: Издательский центр "Академия", 2002. - 576 с.
5. Кошанова Н.М. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари(кластер ёндашуви асосида). // пед. фан. фалсафа док. дисс. Чирчиқ ,2022.-Б. 57.
6. Кошанова Н.М. Умумтаълим мактабларида синф раҳбарлари фаолиятини ривожлантириш механизмлари(кластер ёндашуви асосида). // пед. фан. фалсафа док. дисс. Чирчиқ ,2022.-Б. 54-55.



## CONTENTS

1. Атажанов, А. Ю. (2023). ПУТИ ПРАКТИЧЕСКОГО ПРОЯВЛЕНИЯ И РАСПРОСТРАНЕНИЯ ЭКСТРЕМИСТСКИХ И ТЕРРОРИСТИЧЕСКИХ ТЕЧЕНИЙ В СЕТИ ИНТЕРНЕТ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 5–12
2. Khushvakova, N. Z., Isakova, Y. N., & Boymanov, F. K. (2023). DEVELOPMENT OF RECONSTRUCTIVE-SANITIZING SURGICAL INTERVENTIONS IN CHRONIC PURULENT OTITIS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 13–21
3. Атажанов, А. Ю. (2023). ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯЛАРИ АСОСИДА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ТАРИХИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТУТГАН ЎРНИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 22–27.
4. Muradi, A., & Sadri, R. (2023). CULTURAL CONFLICT IN BAPSI SIDHWA'S "AN AMERICAN BRAT". *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 28–34.
5. Sahak, H., Sahak, T., & Momand, D. (2023). POST TERM PREGNANCY PREVALENCE. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 35–44.
6. Achak, J., Ahmad, N. N., & Ulfat, D. (2023). RIBOFLAVIN CHEMICAL STRUCTURE AND ITS SOURCES. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 45–52
7. Ziarmal, M. R., Ahmadi, A. L., & Jalali, A. Q. (2023). THE ROLE OF PUBLIC RELATION IN THE DEVELOPMENT OF ORGANIZATIONS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 53–60.
8. Noore, N. A., Sadiq, N., & Hakim, M. P. (2023). VITAMIN B1 (THIAMIN) AND ITS CHARACTERISTICS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 61–71.
9. Шо Назаров, Ў. А. (2023). ЖАМИЯТДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 72–78.
10. Monsef, S. N. (2023). A BRIEF LOOK AT THE ROLE OF MATHEMATICS IN MEDICAL PROGRESS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 79–85.
11. Abdusamadov, K. H. (2023). COMPARATIVE ANALYSIS OF THE CONSTITUTIONS OF THE COUNTRIES OF CENTRAL ASIA. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(7), 86–99.
12. Matyokubov, U. K., & Djumaniyazov, O. B. (2023). OPTIK ALOQA LINIYALARINING OPTIK TOLA BUKILISHIDAGI YO'QOTISHLAR TAHLILI. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 100–106.
13. Rasuli, M. H. (2023). EFFECTS OF TEACHER AND STUDENT RELATIONSHIPS TO ENHANCE THE LEARNING PROCESS. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 107–116.
14. Ahsas, M., & Aseem, B. (2023). BIOSYNTHESIS, CHARACTERIZATION AND ANTIBACTERIAL PROPERTIES OF ZNO NANOPARTICLES OF COLD TOLERANT MICROBACTERIUM SP.. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 117–127.
15. Ҳикматов, Ҳ. С. (2023). ЯК НАЗАР БА НАМУНАҲОИ АШЎОРИ ДУЗАБОНА ДАР АДАБИЁТИ БАДЕИИ АСРҲОИ XVII-XIX. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 128–136.
16. Кулмаматова, Д. Э., Маткаримов, Ф. И., Бобомуродова, М. Ў., Икромова, У. Ҳ., & Шеримбетов, А. Г. (2023). ФУЗАРИУМ ЗАМБУРУҒИ БИЛАН ЗАРАРЛАНГАН НЎХАТ ЎСИМЛИГИ НАМУНАЛАРИДА SPAD 502 КЎРСАТКИЧИНИНГ ЎЗГАРИШИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 137–145.



## CONTENTS

17. Abdurasulov, S. X., Zayniddinov, N. S., Yusufov, A. M., Jamilov, S. F., & Keldibekov, Z. O. (2023). O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOG‘-KON SANOATIDA FOYDALANILAYOTGAN TORTISH AGREGATLARI PARKINING TAHLILI. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 146–157.
18. Shirzad, M. (2023). INVESTIGATING THE IDENTIFICATION OF EFFECTIVE FACTORS IN IMPROVING SCHOOL MANAGEMENT. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 158–168.
19. Tawana, S., & Shariati, A. (2023). AIR POLLUTION (CASE STUDY OF KABUL’S ATMOSPHERE POLLUTION). *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 169–176.
20. Rahimi, S., Azami, A., & Kamawal, N. (2023). PREVALENCE OF PREMATURE RAPTURE OF MEMBRANE IN PREGNANT WOMEN. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 177–187.
21. Sahak, H., Sahak, T., & Niazy, S. (2023). PLACENTA PREVIA PREGNANCY OUTCOMES. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 188–196.
22. Оринбасаров, А. А., Айкеев, А. У., & Уразимбетов, А. Т. (2023). ҒЎЗА НАВЛАРИДА ТОЛА СИФАТИ БЕЛГИЛАРИНИНГ ИРСИЙЛАНИШИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 197–203.
23. Хожанов, Р. М., Турдимуратов, Б. С., & Байназаров, У. Т. (2023). ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛГАН ШОЛИ НАВЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 204–208.
24. Akhmedova, S. O. (2023). ENVIRONMENTAL IMPACT ASSESSMENT IN AN INTERNATIONAL CONTEXT. *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 209–213.
25. Mo'minova, M. X. (2023). DARSDAN TASHQARI MASHG‘ULOTLARNI REJALASHTIRISHDA SINIF RAHBARLAR VA ОТА-ОНАЛАР BILAN HAMKORLIKDAGI FAOLIYAT (“TARBIYA” FANI MISOLIDA). *Academic Research in Educational Sciences*, 4(8), 214–220.

